

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш

КАРИМОВ БЕКЗОД АБДУЖАЛОЛОВИЧНИНГ

**“ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-
МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Бош прокуратура
Академияси доценти, и.ф.н
Ф.Мирзаев

Тошкент – 2021 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг тарихий ривожланиши, асосий тушунчалар ва мақсади.....	9
1.2. Давлат хизматчиларининг даромадлар ва мол-мулкани декларация қилишнинг ҳуқуқий асослари ва институционал тузулмалар.....	18
II БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА ИЛҒОР ХОРОЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	
2.1 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг халқаро стандартлари.....	27
2.2 Даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг илғор хорижий давлатлар тажрибаси.....	33
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
3.1 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмини жорий этиш истиқболлари.....	62
3.2 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг назорат тизими ва жавобгарлик масалалари.....	77
ХУЛОСА	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89
ИЛОВАЛАР	96

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Бугунги кунда коррупция жамоатчилик эътиборида турган энг муҳим муаммолардан биридир. Давлат миқёсида коррупциянинг олдини олишнинг энг самарали усулларида бири бу давлат хизматчилари учун молиявий назорат чораларини кучайтиришдир¹.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиш мажбуриятини ўрнатилиши – бу уларнинг коррупция ҳолатларига йўл қўймаслигини ҳамда уларда “ҳалоллик”ни шаклланишига хизмат қилади.

Давлат хизматчиларидан ўз даромадлари ва мол-мулклари тўғрисида декларация беришни талаб қилиш, уларнинг мансаб лавозимларидан шахсий манфаатлари учун моддий ёки бошқа йўл билан, ўзларига, оиласига ёки шерикларига фойдаланишининг олдини олишга муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш тизими давлат хизматчисини ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувини камайтиришга ҳамда ноқонуний бойлик орттиришни аниқлашда ва жиноий жавобгарликка тортишда ёрдам бериши мумкин. Даромадлар ва мол-мулкни ошкор қилишнинг самарали тизимлари коррупцияга қарши курашишнинг муҳим элементи бўлиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси томонидан белгиланган давлат хизматида ҳалоллик муҳитини яратиши мумкин².

Давлат хизматчилари жамоат манфаатлари йўлида бошқариш учун тайинланади ва уларнинг кўплари ўз вазифаларини ситқидилдан бажарадилар. Бироқ айрим сиёсатчилар ва мутасадди идора раҳбарлари ўзларининг шахсий

¹ Дорогова Ю.А., Лоткова Е.Г. Декларирование доходов государственных служащих как инструмент противодействия коррупции // [электрон манба] URL: <http://www.natural-sciences.ru/ru/article/view?id=30008>

² Stolen Asset Recovery (StAR):Public Office, Private Interests : Accountability through Income and Asset Disclosure // [электрон манба] <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/6010>

манфаатлари учун бойлик орттириш мақсадида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари бўйича сон-саноксиз ҳолатлар мавжуд. Шахсий манфаатлари жамият манфаатларига зид бўлганлиги сабабли амалдорлар тўғри қарор қабул қила олмайдиган вазиятлар ҳам кўп.

Давлат хизматчиларидан шахсий бойликлари ва манфаатлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишни талаб қиладиган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларациялар коррупцияга қарши курашиш ва давлат хизматидаги “ҳалоллик”ни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида кенг тарқалган. Декларация назорат институтлари ва жамоатчиликка бошқарув ваколати берилган шахсларнинг молиявий аҳволини кузатиб бориш ва маълумот берилган бойлик ўзгаришлари асосли ёки йўқлигини текширишга имкон беради. Шунингдек, декларация жамоатчиликка мансабдор шахсларнинг ташқи манфаатларини масалан, ўриндошлик иши ёки бизнесга эгаллик қилиш каби ҳолатларни кузатишга рухсат беради. Бу эса фаол манфаатлар тўқнашувидан қочишга ёрдам беради.³

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг харажатлари, даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизими ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини назорат қилиш бўйича ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, манфаатлар тўқнашувини тартибга солилмаганлиги улар орасида коррупциянинг юқори даражада сақланиб қолишига сабаблардан бири бўлмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли фармонида давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма – босқич жорий этиш,

³ Transparency International - Recommendations on asset and interest declarations for ogp action plans. Authors: Lucas Amin and José María Marín p 3. // [электрон манба] URL: <https://www.opengovpartnership.org/wp-content/uploads/2020/07/Recommendations-on-Asset-and-Interest-Declaration-for-OGP-Action-Plans.pdf>

давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган.⁴

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сонли фармонида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг фаолият йўналишларидан бири этиб давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш белгиланган.⁵

Давлат хизматчиларини даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияни баҳолаш бўйича халқаро индекслардаги ўрнини яхшиланиши, ноқонуний даромад орттирган ёхуд декларация қилиш талабларини бузган мансабдорларга нисбатан жазо чораларини ёки молиявий чоралар қўлланиши мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти – давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишни жорий этишдаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир. Тадқиқот предмети эса, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тушунчаси, ҳуқуқий асослари ва моделлари, институционал тузилмалари, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишга оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5729-сонли фармони // [электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/4355387>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6013-сонли фармони // [электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/4875784>

мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш истиқболларини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ва олдини олишда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда жорий этиш бўйича қонунчиликка таклиф киритишдан иборат.

Юқорида белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдида куйидаги вазифалар қўйилди:

- давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг коррупцияга қарши курашишдаги аҳамиятини очиш;

- давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг жаҳонда мавжуд ҳуқуқий асослари ва институционал тузилмаларини ўрганиш;

- давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг халқаро стандартларидаги тавсиялар ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчиликка таклифлар бериш;

- давлат хизматчилари томонидан тақдим этилган даромадлар ва мол-мулклар тўғрисидаги декларацияларни мониторинг қилиш, назорат ўрнатиш ҳамда жавобгарлик масалаларини таҳлил қилиш ва қонунчиликка таклифлар бериш;

Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, мазкур тадқиқот ишида коррупцияга қарши курашишда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг аҳамияти, унинг ҳуқуқий механизмларини жорий қилишнинг истиқболларини таҳлил қилувчи ҳамда мазкур соҳадаги халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатлар

тажрибасига бағишланган дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Зеро, илгари бу йўналишда Ўзбекистонда тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, махсус тадқиқот предмети сифатида комплекс тарзда ўрганилмаган.

Тадқиқот ишида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг тарихий таҳлили, коррупция қарши курашишдаги халқаро стандартларда акс этган нормалар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш истиқболлари, декларацияларни мониторинг қилиш, назорат ўрнатиш ҳамда жавобгарлик масалалари ўрганилади. Тадқиқот якунлари кўра, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим қилинади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь, Ўзбекистон 2008 йил 07 июлдаги ЎРҚ-158-сон қонун билан қўшилган) 8-модда, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупция қарши курашиш Истанбул ҳаракатлар режасининг Тавсияларида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш зуруриятлари кўрсатилган. Бироқ, Ўзбекистонда мазкур йўналишда етарли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Фақатгина, коррупцияга қарши курашиш бўйича кам сонли олимлардан бири Б.И.Исмоилов томонидан ўрганилган.⁶ Хорижий олимлардан Жаҳон банки ва БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Ўзлаштирилган активларни қайтариш дастури бўйича “StAR” Ruxandra Burdescu, Gary J. Reid Stuart Gilman Stephanie Trapnell ва бошқалар ўрганишган.⁷ Шунингдек,

⁶ Б.И.Исмоилов, Б.И.Исмаилов “Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш” ўқув кўланмаси, 2019 йил.

⁷ Income and asset declarations: tools and trade-offs (2009), Public Office, Private Interests: Accountability through Income and Asset Disclosure (2012), Income and Asset Disclosure: Case Study Illustrations (2013)

Messick, Richard E⁸ ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупцияга қарши курашиш дастури⁹ доирасида ўрганилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот коррупцияга қарши курашишда давлат хизмачиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг хорижий қонунчилик ва халқаро стандартларни қиёсий таҳлил қилиш ва тарихий ўрганиш каби усуллар асосида амилга оширилган. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш истиқболлари тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил этади.

Диссертация ишининг тузилмаси. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми ____ бетни ташкил этади.

⁸ “Income and Assets Declarations: Issues to Consider in Developing a Disclosure Regime”, U4 Issue, Issue 2009:6, Practical Advice on Establishing and Administering an Income and Assets Disclosure Program. 2006, Who Discloses What: Income and Asset Declaration around the World. 2005, Regulating Conflict of Interest: International Experience with Asset Declaration and Disclosure. PREM, World Bank, 2007

⁹ Asset Declarations for Public Officials: A tool to prevent corruption: 2011

I-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1 Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг тарихий равожланиши, асосий тушунчалар ва мақсади

Давлат амалдорлари томонидан активларни декларация қилишнинг замонавий тизимлари эволюцияси Иккинчи жаҳон уришидан кейин бошланган. АҚШда ҳукуматнинг кенгайиши ва коррупция билан боғлиқ можаролар давлат хизматчиларининг касб этикасини мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббусларни илгари сурилди. Айрим федерал ҳукумат амалдорлари учун молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талабларининг зарурлиги тўғрисидаги сиёсий баёнотлардан бири Президент Гарри Труманнинг 1951 йилдаги Конгрессга йўллаган мурожаатида келтирилган: “Хозирги кунда ҳукумат амалдорларининг тўғрилиги ва ҳалоллиги билан боғлиқ барча саволларни ҳисобга олган ҳолда, уйлайманки, биз ҳаммамиз даромадларимиз ҳақидаги маълумотларни жамоатчиликка тақдим этишга тайёрмиз”.¹⁰

Бироқ, 1950 йилларда турли хил омиллар федерал даражадаги ҳукумат амалдорлари томонидан активларни декларация қилиш тизимини жорий этишга тўсқинлик қилган. Фақатгина 1965 йилга келиб, президент Линдон Джонсон федерал мансабдор шахслар ўзларининг шахсий маблағларини

¹⁰ President Harry S. Truman’s Message to Congress, 27 September 1951. Here quoted from G.C. Mackenzie and M. Hafken (2002), *Scandal Proof: Do Ethics Laws Make Government Ethical?* Brookings Institution Press, p. 19.

хукумат идораларига ошкор қилишни талаб қилган.¹¹ Watergate ва бошқа можаролар сабабли 1978 йилда АҚШ Конгресси томонидан Ахлоқ қоидалари тўғрисидаги хукумат қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ҳозирда ҳам амалда бўлиб, федерал хукуматнинг барча тоифадаги юқори даражали амалдорлардан молиявий маълумотларни батафсил ошкор қилишини талаб қилади.

1950- йилларнинг бошларида Америка қўшма штатларида молиявий маълумотларни оммавий равишда ошкор қилинишини жорий этиш бўйича алоҳида штатлар даражасида муайян ташаббуслар бошланди. 1969 йилга келиб 11 та штатда бундай молиявий маълумотларни ошкор қилиш талаб қилиш жорий этилган.¹² Хукумат амалдорларига бундай талабни жорий этиш амалиётининг тарқалиши 1970 йилларда жиддий кўрсаткичларга эриша бошлади. Мансабдор шахслар ва ахборот кўлами, ошкор қилишни қамрови ошганлиги ортидан кўплаб суд жараёнлари бўлиб ўтди. Чунки молиявий маълумотларни ошкор қилиш талаби шахсий ҳаёт ҳуқуқларини бузиш ҳисобланган. Қўшма штатларда бундай суд жараёнлари тўлқини 1970 йилларда авжига чиққан. Бироқ шунга қарамай барча ишларнинг кумулятив натижаси хукуматнинг мажбурий равишда ошкор қилиниши кучини тан олишга олиб келди.¹³

Кейинчалик Ғарбий Европа давлатларининг аксариятида давлат амалдорлари ўзларининг даромадлари, активлари ва молиявий манфаатларини декларация қилиш амалиёти кенг тарқалди. Бундан ягона истисно бўлган давлат Буюк Британия бўлиб, ушбу давлатда 1889 йилда коррупция қарши курашиш тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, парламент умуман декларация қилишнинг қатъий қоидаларни

¹¹ G.C. Mackenzie and M. Hafken (2002), *Scandal Proof: Do Ethics Laws Make Government Ethical?* Brookings Institution Press, p. 24-26

¹² Anechiarico, F. and J.B. Jacobs (1996), *The Pursuit of Absolute Integrity: How Corruption Control Makes Government Ineffective*, University of Chicago Press. pp. 47-48

¹³ Rohr, J.A. (1998), *Public Service Ethics, and Constitutional Practice*, University Press of Kansas. pp. 44-45

жорий этишни истамаган. Хатто 1969 йилда ташкил этилган вақтинчалик кўмита ҳар бир парламент аъзосини шарафи ва ўз-ўзини тартибга солишига ишонганлиги боис манфаатлар руйхатини тузишга хожат йўқ деган хулосага келган. Бироқ, 1974 йилда қуйи палата манфаатлар руйхатини жорий қилган. Аммо 1974 йилдан кейин ҳам қайси манфаатлар иш учун муҳим бўлганлиги ва декларация қилиниши ёки руйхатдан ўтказилиши кераклиги масаласи маълум даражада очик бўлиб қолди ва баъзи ҳолатларда парламент аъзоларининг қарорига биноан аниқланиши керак эди.

Ғарбий Европада 1980-йилларда ҳам давлат амалдорларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларациялари тизими тарқалишда давом этди. 1982 йилда Испанияда мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган ва шу йили Италия парламенти аъзолари қўшимча даромадлари ва мулкӣ ҳолати тўғрисида маълумотни ошкор қилишлари мажбурияти ўрнатилган. 1983 йилда Португалияда сайланган амалдорларнинг молиявий аҳволини жамоатчилик назорати тўғрисида қонун қабул қилинган. Ғарбий Европадаги дастлабки ва ҳаттоки ҳозирги пайтдаги маълумотларни ошкор қилиш тизимлари - АҚШда жорий қилинган тизимга на мураккаблиги, на расмийларнинг қамрови ва на уларга риоя қилинишини назорат қилиш механизмлари билан мос келмади.

1980 йилларнинг охири ва 90 йилларда марказий ва шарқий Европанинг аксарият қисмида ва бошқа жойларда ҳаётнинг демократиялашуви содир бўла бошлади. Социалистик ҳукмронлик пайтида амалдорлардан бирор бир даромад ёки мол-мулк тўғрисида декларация талаб қилинмаган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича глобал мақсадлар ошган сайин янги пайдо бўлган мамлакатлар декларация тизимларини жорий қилишни бошладилар ҳамда мавжуд тизимларнинг қамрови ва кўламини кенгайтирдилар. 1990 йилларда кўплаб собиқ социалистик давлатлар давлат

амалдорларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация қилиш тизимларини жорий этишди.¹⁴

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишга оид асосий тушунчаларга эътибор қаратадиган бўлсак, биринчи навбатда “давлат хизматчиси”, “декларация” ва “даромадлар ва мол-мулк декларацияси” тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Ўзбек олимларидан Э.Т.Хожиев ва бошқаларнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури асосида тайёрланган “Давлат хизмати” ўқув қўлланмасида, **давлат хизматчиси** – ваколат доирасига давлат вазифаларини амалга ошириш ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатларининг малакали ижросини таъминлаш қиладиган ваколатли шахсдир¹⁵ деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 03 октябрдаги ПФ 5843-сонли Фармонида - ўз фаолиятини Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси **давлат фуқаролик хизматчиси** ҳисобланиши кўрсатилган.¹⁶

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокамаси портали қўйилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасида **давлат фуқаролик хизматчиси** – давлат вазифа ва функцияларини бажариш учун белгиланган доирадаги хизмат вазифа ва мажбуриятларига эга давлат органлари ва ташкилотлардаги лавозимида фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб кўрсатилган¹⁷.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таърифига кўра, **давлат хизматчиси** бу – давлат бошқарма ва агенликлари, давлат секторидаги корхоналар томонидан давлат хизматига ишга қабул қилинган шахс. Давлат

¹⁴ Иловадаги 1-жадвал

¹⁵ Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова –Давлат хизмати, ўқув қўлланма. 2015 йил, 44-бет

¹⁶ [электрон манба] <https://lex.uz/docs/4549998>

¹⁷ [электрон манба] <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047>

хизматчилари давлат ва ҳукуматга ишлайди ва улар олдида маъсул бўлади, сиёсий партияларга эмас.¹⁸

Декларация сўзининг луғавий маъносини ўрганадиган бўлсак – бирор нарса ҳақида расмий баёнот бериш, бирор нарсани эълон қилиш ҳаракати, расмий ёки оммавий тарзда баён қилинган ёки маълум қилинган нарса деб таърифланган.¹⁹

Давлат хизматчилари томонидан даромадлари ва мол-мулкани декларацияси қилиш ҳақидаги U4 AntiCorruption Resource Centre экспертлари жавобларида **активлар декларацияси** – давлат амалдорлари ва ҳукумат аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга ва сиёсатчилар ва давлат хизматчиларининг бойлигини ўзгаришини кузатиб бориш, ноқонуний бойиш ва бошқа ҳуқуқбузарликка қаратилган чоралар²⁰ деб келтириб ўтилган.

Бизнинг фикримизча, **давлат хизматчиси** – давлат ёки унинг идораларининг ҳар қандай мансабдор шахси ёки ходими, шу жумладан давлат номидан ёки унинг иерархиясининг исталган даражасида фаолият ёки функцияларини бажариш учун танланган, тайинланган ёки сайланган шахслар ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларацияси – давлат хизматчисининг календар йил давомида топган даромадлари, мавжуд мол-мулки ҳамда ҳаражатлари тўғрисидаги маълумотлар баёнидир.

Фикримизча, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг мақсади қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясида маълумотни аниқлашнинг асосий мезони сифатида “манфаатлар тўқнашуви” эҳтимоли

¹⁸ [электрон манба] <https://www.oecd.org/gov/ethics/2957360.pdf>

¹⁹ [электрон манба] <https://www.merriam-webster.com/dictionary/declaration>

²⁰ [электрон манба]

https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/helpdesk/381_Asset_declaration_regimes_in_selected_Asian_countries.pdf

аниқ кўрсатилган. Манфаатлар тўқнашувини назорат қилиш - давлат хизматчилари томонидан топшириладиган декларациялардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган мақсади эканлигини акс эттиради.

Манфаатлар тўқнашуви – давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари унинг расмий вазифалари ёки функцияларини бажаришида салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий-ҳуқуқий мажбуриятлар ва давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир.²¹

Манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги маълум бир мансабдор шахснинг коррупцияга алоқадорлигини аниқламайди. Бу фақат мансабдор шахснинг иш мажбурияти билан шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддиятли ҳолатни аниқлатади, масалан, корхонага давлат харидларини амалга ошириш имконини берувчи шартнома корхона раҳбарининг яқин қариндошлари томонидан имзоланиши. Давлат хизматчиси жамоат манфаатларини шахсий манфаатидан устун қўйиши мумкин, аммо васвасага берилиб, жамоат манфаатларига зарар етказиш ҳафви мавжуд бўлади. Бундан ташқари манфаатлар тўқнашуви бўлган вақтда қилинган қарорлар жамоатчиликнинг бундай ҳаракатларга бўлган ишончини пасайтириши мумкин.

Ҳақиқий манфаатлар тўқнашувини аниқ манфаатлар тўқнашувидан ажратиш лозим, чунки “давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари унинг функционал вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин деган фикр бўлиб, аслида бу содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, “агар давлат хизматчиси манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатларга эга бўлса, ушбу давлат хизматчиси келажакда тегишли расмий вазифаларни (яъни шахсий манфаатлари билан зид бўлган) бажариши керак бўлган ҳолатларда потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин”.²²

²¹ Managing Conflict of Interest in the Public Service OECD guidelines and country experiences 2003, p. 24. [электрон манба] <https://www.oecd.org/gov/ethics/48994419.pdf>

²² Managing Conflict of Interest in the Public Service OECD GUIDELINES AND COUNTRY EXPERIENCES 2003, p. 58. [электрон манба] <https://www.oecd.org/gov/ethics/48994419.pdf>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 7-моддаси 4-бандида “хар бир иштирокчи давлат ички конунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ шаффофликни таъминлайдиган ва манфаатлар тўқнашувини олдини оладиган тизимлар яратиш, сақлаш ва мустаҳкамлага интилади” деб кўрсатилган.²³ Бирок манфаатлар тўқнашувини бошқариш учун аниқ сиёсатни ишлаб чиқиш миллий чиқарувчиларнинг вазифасидир.

Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг умумий ёндашувларига қуйидагилар киради:

а) умуман манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳукумат амалдорларига уларни тан олишга ва муайян вазиятларда қарор қабул қилишдан тийилишга кўрсатма бериш;

б) расмий вазифаларни бажариши билан мос келмайдиган бир қатор вазиятларни аниқлаш (масалан, айрим эркин фаолиятни тақиқлаш ва мансабдор шахснинг қарор қабул қилишига таъсир қиладиган шахслар тоифасини белгилаш)

в) манфаатлар тўқнашувини кутган ҳолда, жамоатчилик назорати давлат амалдорларини шахсий манфаатлари қарши жамоатчилик йўлида ҳаракат қилишга мажбур қилишига кутиш билан манфаатлар тўқнашувини ошқор қилиш (бу ёндашув кўпинча парламент аъзолари ва бошқа сиёсий лавозимларга қўлланилади);

2. Давлат сектори шаффофлиги ва ҳисобдорлиги. Декларация тизими манфаатлар тўқнашувини олдини олиш билан бир қаторда, шаффофлик, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги, ишонч ва касбий одоб-ахлоқни шакллантириш масалалари мақсад қилади. Ушбу мақсадлар ҳеч қачон бир бирига зид келмайди ва у ёки бу тизимга жойлаштирилган сиёсий диққатни акс эттиради. Давлат амалдорларининг сўровларга жавоб бериш мажбуриятлари кенгайган сари уларга тегишли бўлган маълумотларни олиш

²³ БМТнинг «Коррупцияга қарши конвенцияси» 2003 йил.

хукуқи кенгайиб боради. Агар жамоатчиликка мансабдор шахсларнинг декларациясида акс эттирилган маълумотларни олишга имкон берилса бу уларнинг ҳисобдорлигини оширади.

3. Даромад ва молиявий аҳволини қонунийлигини текшириш. Давлат секторида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳисобдорликни ошириш билан бир қаторда, ҳукумат одатда шу давлатда яшовчи айрим фуқароларни эмас балки, барча фуқароларнинг даромадлари устидан назорат ўрнатишга интилади. Шу билан бирга айрим мамлакатларда давлат хизматчиларининг декларациялари уларнинг моддий аҳволини кузатишда махсус восита бўлиб хизмат қилиш керак деган фикрлар мавжуд. Бундай ҳолларда давлат хизматчилари оддий аҳолига қараганда жиддийроқ текширувдан ўтказилиши лозимлиги устунлик қилган.

Биринчи марта молиявий ошкор қилиш тизими амалдорнинг молиявий аҳволини назорат қилиш воситаси сифатида Гонконгда қўлланилган.²⁴ Гарчи бу амалиёт кенг тарқалмаган бўлсада, айрим мамлакатларда активлар мониторингига ҳам аҳамият берилади. Ушбу ёндашувга Албания мисол бўлиб, у ерда “Сайланган мансабдор шахслар ва айрим давлат амалдорларининг мол-мулки ва молиявий мажбуриятларини декларация қилиш ва аудит тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур қонуннинг мақсади “декларация ва аудит ўтказиш қоидалари, сайланган мансабдор шахсларнинг молиявий мажбуриятлари ва келиб чиқиш манбаларининг қонунийлиги, давлат хизматчилари, уларнинг оилалари ва уларга алоқадор шахслар”ни аниқлаш ҳисобланади.²⁵

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида мансабдор шахсларнинг молиявий аҳволини кузатиб бориш зарурияти давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-

²⁴ Messick, R. (2009), “Income and Assets Declarations: Issues to Consider in Developing a Disclosure Regime”, *U4 Issue*, Issue 2009

²⁵ Article 1 of the Law on the Declaration and Audit of Assets, Financial Obligations of Elected Persons and Certain Public Officials of Albania [электрон манба] URL: <https://euralius.eu/index.php/en/library/albanian-legislation?task=download.send&id=77&catid=13&m=0>

мулкни декларация қилиш тизимларининг пайдо бўлиши олиб келди. Шундай қилиб, биринчи бор ўтган асрнинг иккинчи ярмида АҚШда пайдо бўлган давлат хизматчиларининг даромадларини жамоатчиликка тақдим этилишининг жорий қилиниши бошқа давлатлардан ҳам мазкур тизимларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Бунда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг асосий мақсадлари давлат хизматчиларида ҳалолликни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, давлат секторининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг даромадларининг қонунийлигини текширишда намоён бўлади.

1.2 Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий асослари ва институционал тузилмалар

Турли давлатларда давлат хизматчиларининг даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш тизими ҳар хил турдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар – қонунларга асосланган. Одатда даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш тизимининг мақсадларини ва қўлами тузилишини белгилайдиган маълум бир қонун ёки бир неча қонунлар билан тартибга солинади. Ушбу қонунлар декларация тизими коррупцияга қарши курашишнинг кенг қамровли қонунчиликнинг бир қисми ёки давлат хизматининг қонунчилик базасидаги қўплаб жараёнлардан бири эканлигига қараб белгиланади. Даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш тизими давлат мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишнинг умумий воситаси ёки давлат аппарати учун коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида қўрилишига қараб ҳам фарқланиши мумкин.

Активларни декларациялаш тизими шахсий ҳаётга даҳл қилиши мумкинлиги ҳақидаги баҳсларни олдини олиш учун тартибга солиш даражасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар (масалан, конституция, қонун, ҳукумат қарорлари) қабул қилиниши муҳим ҳисобланади. Давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг конституцияга киритилиши одатий бўлмаган вариант ҳисобланади, гарчи ҳуқуқий нуқтаи назардан бу давлат хизматчилари томонидан активларни декларациялашга қўйиладиган талабларнинг бирлаштиришнинг энг кучли шакли бўлса ҳам. Аслида на АҚШ, на Европа ва Марказий Осиё давлатларида давлат хизматчиларидан мол-мулкни декларациялашни талаб қиладиган конституциявий қонун қоидалар мавжуд эмас. Бироқ айрим давлатларда бу конституция даражасига олиб чиқилган. Колумбия давлатининг конституциясида давлат хизматчиларига ўзларининг

моддий бойликлари ва даромадларининг умумий миқдорини қасамёдга биноан ишга киришишдан олдин, нафақага чиққандан кейин ёки ваколатли органлар томонидан истеъфога чиқишни талаб қилган ҳолатларда декларация қилиш мажбурияти юклатилган.²⁶

Мавжуд барча вариантларни урта асосий тоифага бўлиш мумкин – давлат хизматини тартибга солиш тўғрисидаги умумий қонунчилик, декларация, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус қонунчилик ҳамда ҳокимиятнинг алоҳида тармоқлари ёки муассасаларини тартибга солувчи қоидалар.

Умумий қонунчиликни белгиланиши:

➤ *давлат (фуқаролик) хизматидаги декларация ва маъмурий жараён тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.* Давлат хизмати ва маъмурий процесс қонунчилиги одатда тартибга солишнинг алоҳида йўналиши бўлсада, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги маълум бир лойиҳа эмас балки давлат аппарати учун асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисми ҳисобланади. Давлат хизмати тўғрисидаги қонунлар фақат ижро этувчи ҳокимиятда сиёсий лавозимларни эгалламайдиган (давлат хизматчилари) ёки кенгрок доирага эга бўлган суд тизими ва сайланган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Ушбу туркумда тартибга солишнинг икки тури мавжуд бўлиб, улардан бири қонунда белгиланган декларацияларни доимий равишда тақдим этиш мажбуриятини юклаш. Ушбу ёндашувга Белоруссия ва Украинани мисол келтириш мумкин, аммо иккала мамлакатда ҳам тегишли қоидалар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида келтирилган.²⁷

²⁶ Colombia's Constitution of 1991 with Amendments through 2005, Article 122 [электрон манба] https://www.constituteproject.org/constitution/Colombia_2005.pdf

²⁷Закон О предотвращении коррупции (Ведомости Верховной Рады (ВВР), 2014, N 49, ст.2056) [электрон манба] <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/ru/1700-18?lang=ru#Text>, Закон РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ 15 июля 2015 г. № 305-3 О борьбе с коррупцией, [электрон манба] https://pravo.by/upload/docs/op/H11500305_1437598800.pdf

Иккинчи тур - бу декларация бериш шаклида эмас, балки ўриндошлик иши ва шахсий манфаатлари тўғрисида юқори турувчи раҳбарларни хабардор қилиш мажбурияти. Масалан, Германиядаги федерал ходимлар тўғрисидаги қонун, шунингдек, Германия, Норвегия, ва Швециядаги маъмурий жараёнлар тўғрисидаги қонунлар мисол бўлади. Биринчи тартибга солиш вариантини қўллаган ҳолда, давлат (фуқаролик) хизмати тўғрисидаги қонунда, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ қонунга ҳавола (қонун ости ҳужжатлар) бўлиши мумкин, аммо иккинчи тартибга солиш вариантида декларация ёки билдиришнома коррупцияга қарши курашишнинг жиддий томони ҳисобланмайди, балки аксинча давлат хизматининг оддий эҳтиёт чоралари ҳисобланади.

➤ *Ахлоқ қоидалари ва қонундан ташқари тартибга солиш.* Декларация топшириш ёки шахсий манфаатлари ва ёхуд ўриндошлик иши тўғрисида юқори турувчи раҳбарларга хабар бериш мажбурияти одоб-ахлоқ қоидаларида ёки қонун кучига эга бўлмаган кўрсатмаларда мустаҳкамланиши мумкин. Шу билан бирга, улар давлат хизматчилари билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўрсатилиши мумкин. Баъзи мамлакатларда бундай тартиб қоидалар касбнинг, яъни давлат хизматчиларининг ўзларининг муайян стандартлар ва тартибларга риоя қилиш иродасининг намоён бўлиши сифатида қаралаши мумкин. 2007 йилда Норвегияда қабул қилинган давлат секторида яхши хулқ- атвор қўлланмаси (*God adferd in det offentlige*) ва Норвегия давлат хизматининг ахлоқий тамойиллари (*Etiske retningslinjer for statstjenesten*) ушбу ёндашувга мисол бўлади.

Махсус қонунчилик:

➤ *Декларация манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари элименти сифатида.* Ушбу ёндашув манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олиш учун декларация қилишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бундай қонунлар асосан социалистик бошқарув тизимидан ўтган мамлакатларда кенг тарқалган.

➤ *Декларация тўғрисида махсус қонунлар.* Булар фақат давлат хизматчилари томонидан активларни декларация қилиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари. Биринчи тоифадаги тартибга солиш каби, ушбу қонун ҳам коррупцияга қарши қонунчиликнинг бир қисми ҳисобланади. Агар декларация тизими мураккаб, батафсил ва кенг қамровли қоидаларга асосланган бўлса, алоҳида қонунларнинг мавжудлиги ҳуқуқий жараён нуқтаи назаридан оқилона вариант бўлиши мумкин. Декларация тўғрисидаги алоҳида қонун ҳужжатлари мавжудлиги Ғарбий Европа давлатлари кам учрайди.

Ҳокимиятнинг алоҳида тармоқлари ва муассасалари учун махсус қоидалар:

➤ *Парламент ва Вазирлар Маҳкамасининг ички қоидалари.* Ички қоидаларга асосланган декларация қилиш тизими қонун чиқарувчи органлар ва Вазирлар Маҳкамаси учун кенг тарқалган амалиётдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ёки ижро ҳокимиятнинг ўзи, кўпинча жамоатчилик босими остида давлат секторининг сиёсий ҳисобдорлигини ошириш мақсадида бу каби мажбуриятни юклаш ташаббуси билан чиққан. Кўпинча бу борадаги талаблар парламент регламентига киритилади ёки махсус ҳужжатлар қабул қилинади. Масалан Германияда тегишли қоидалар Бундестаг процессуал қоидаларининг 1-иловасига киритилган. Испанияда декларация парламент Регламентида кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, умумий тизим янада кенгроқ ва қонунчилик ҳужжатлари тўпламига асосланган.

➤ *Декларация қилишни ҳокимиятнинг аниқ тармоқлари, секторлари ва органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир қисми сифатида ифода этиш.* Қоида тариқасида, бу ҳолат маълум бир тоифадаги давлат хизматчилари ёки маълум бир секторда ёхуд идорада хизмат қилувчи давлат амалдорлари учун у ёки бу декларация қилиш тизими жорий қилиш.

Масалан, Россия Федерациясида судьялар учун бошқа давлат хизматчилари декларациясидан фарқ қиладиган декларация тизими мавжуд.²⁸

➤ *Ички қоидалар.* Декларация топшириш мажбуриятини ижро этувчи ҳокимият органларининг ички қоидаларига киритилиши бу ноодатий тартиб ҳисобланади. Шу билан бирга баъзида ушбу жараён айрим органларда ички назорат чораларининг элименти сифатида қўлланилади (масалан, Косово Солиқ маъмурияти ва Божхона хизматида)²⁹. Бу каби тартибни ички қоидаларга киритилишининг афзаллиги шундаки, декларациялаш тизими юқори бошқарув органи томонидан назорат дастаги сифатида ишлатилиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишдаги институционал тузилмалар:

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ҳукумат амалдорларидан декларацияларни йиғиш ва қайта ишлашнинг бир қатор институционал имкониятлари мавжуд. Ушбу вариантлар кенг икки тоифага бўлинади- ички ва ташқи жараёнлар. Иккинчи тоифада ҳукуматнинг бир ёки бошқа тармоғи органлари учун махсус ишлаб чиқилиши ёки бутун давлат тизимини қамраб олиши мумкин.

Қиёсий таҳлил ёрдамида ички жараёнларни икки турга ажратиш мумкин:

▪ *Муассаса раҳбарлари, юқори турувчи раҳбарлар ёки уларга тенглаштирилган мансабдор шахслар.* Одатий жараёнлардан бири бу мансабдор шахслар томонидан декларацияларни ўзларининг юқори турувчи раҳбарларига (ёки муассасаларнинг ихтисослаштирилган бўлимига) тақдим этилишидир. Юқори турувчи раҳбарлар (бўлим) декларацияни мустақил

²⁸ Закон «О статусе судей в Российской Федерации» с поправками, принятыми в декабре 2008 года

²⁹ Косово Солиқ маъмурияти ва Божхона хизматида давлат сектори учун амал қиладиган активларни декларация қилиш ички тизими мавжуд. Бундан ташқари, солиқ ва божхона органлари ички қоидаларга асосланган ўз мол-мулкани декларация қилиш тизимига эга. Ушбу тизимлар умуммиллий тизимларга қараганда коррупция хавфи юқори бўлган ушбу икки соҳада хизмат қилувчи мансабдор шахсларни қамраб олади.

равишда текшириш учун махсус ваколатга эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Ушбу ёндашув декларацияларни расмийлаштиришдан мақсад манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўлган ҳолларда фойдали бўлиб, раҳбарлар тегишли давлат хизматчиларининг вазифалари тўлиқ тушуниши ҳамда маълум бир манфаат улар билан тўқнашиши мумкинлигини баҳолай олишлари мумкин. Шу билан бирга, ушбу вариант манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш давлат бошқаруви ички процедураси ва амалиётининг одатий қисми бўлмаган ҳамда юқори турувчи раҳбарлар ўзларининг ташкилий функцияларини тўғри бажармайдиган тизимларда самарасиз бўлиши мумкин.

▪ *Қонун чиқарувчи ва Вазирлар Маҳкамасидаги ички тартиб қоидалар.* Парламент аъзолари даромадлари ва мол-мулкани декларациялашнинг ўзига хос талабларига эга бўлган ҳолларда бундай тизимлар кенг тарқалган, масалан, Германия Бундестагида, Ирландия вакиллар палатасида ва Сенатда, Испания Конгрессида, Буюк Британия Лордлар палатаси ва жамоат палатасида. Бундай тартиблар қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ҳеч кимдан мустақил равишда фаолият юритмаслиги, улар устидан назоратни амалга ошириши ва керак бўлганда уларга қарши санкциялар қўллаш принципларига асосланади. Баъзи мамлакатларда ҳукумат, шунингдек Вазирлар Маҳкамасида тегишли ички тартиб қоидалар орқали вазирлар декларациялари учун алоҳида регистрлар юритилади (масалан Данияда).

Ташқи бошқарув процедуралари турли хил бўлиши мумкин:

▪ Мансабдор шахсларнинг декларациялари билан ишлайдиган коррупцияга қарши курашишга (манфатлар тўқнашувини олдини олиш учун) *ихтисослаштирилган орган ва муассасалар.* Турли минтақаларда коррупцияга қарши ихтисослашган органлар сони тобора кўпайиб бораётганлиги ҳисобга олинса, бундай муассасалар давлат хизматчилари декларациялари билан ишлашнинг одатий услубига айланмоқда. Ушбу муассасаларнинг аксарияти мустақил деб эълон қилинади ҳамда уларнинг ваколатлари ҳам турлича бўлади. Бундай тизимларда декларация коррупцияга қарши курашишнинг

асосий воситаси сифатида қаралади ва аксарият ҳолларда жисмоний шахсларнинг даромадлари ва активларини декларация қилиш тизимлардан ажралиб туради. Шунингдек айрим давлатларда (масалан Албанияда) асосий вазифаси давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш ва текширишни олиб борадиган махсус муассасалар ҳам ташкил қилинган.³⁰

▪ *Солиқ органлари.* Декларациялашнинг камида битта мақсади активлар ҳолатини назорат қилиш бўлган ҳолларда, солиқ идораларига давлат хизматчиларидан декларацияларни йиғиш ва қайта ишлаш ҳуқуқини бериш одатий ҳолдир. Чунки даромадлар мониторинги нафақат давлат хизматчилари, балки солиқ тўлаш нуқтаи назаридан барча фуқароларга тегишли бўлиб, бу солиқ органларининг асосий вазифаларидан биридир. Давлат хизматчилари ҳам солиқ декларацияси топшириши зарур ҳисобланган тоифалардан бири деб қараладиган давлатларда декларация тизимини амалга ошириш табиий равишда солиқ органлари зиммасига юклатилган (масалан Қозоғистон ва Қирғизистон).³¹

▪ *Давлат (фуқаролик) хизмати органлари.* Бутун давлат (фуқаролик) хизмати учун махсус органлар мавжуд бўлган мамлакатларда, бундай органларга баъзида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизимини жорий этиш ваколати берилади. Уларнинг декларация тизимини назорат қилиш бўйича баъзи ваколатлари фақат ижро этувчи органларга тегишли бўлса, бошқа ҳолларда ваколатлар қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятига ҳам тегишли бўлади. (масалан Грузия)³²

▪ *Суд ҳокимияти.* Ушбу йўналишнинг икки хил варианты мавжуд. Баъзи тизимларда судьялар декларацияларни суд тизимидаги махсус

³⁰ LAW Nr. 9049, dated 10 April 2003 on the Declaration and Audit Of Assets, Financial Obligations of Elected Persons and Certain Public Officials (Albania) [электрон манба] <http://www.ildkpkj.al/legjislacioni-en/?lang=en>

³¹ О противодействии коррупции Закон Республики Казахстан от 18 ноября 2015 года № 410-V ЗРК, Статья 11. [электрон манба] <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1500000410>

³² Закон Грузии О несовместимости интересов и коррупции в публичном учреждении. статья 14

органларга тақдим этадилар (масалан, Дания). Бу суд ҳокимиятининг мустақиллигига хурматни акс эттириши мумкин, аммо баъзи тизимларда суд идоралари мансабдор шахслар ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан декларацияларни йиғиш учун жавобгардир (масалан, Португалияда Конституциявий суд)³³. Суд амалдорлари барча мамлакатларда юқори даражадаги сиёсий бетарафлик ва мустақилликни намойиш этишлари кераклиги сабабли, бу жараён сиёсий ёки бошқа аралашувлар эҳтимолини олдини олишнинг яна бир усулидир. Ушбу ёндашувнинг намунаси Францияда мавжуд бўлиб, у ерда сиёсий ҳаётдаги молиявий шаффофлик комиссияси асосан суд тизимининг расмийларидан иборат³⁴.

▪ *Бошқа муассасалар.* Булар аудит ва назорат қилиш органлари, солиқ идоралари ва давлат (фуқаролик) хизмати органлари ташқари бошқа ижро этувчи органлар бўлиши мумкин.

Бир нечта давлат бир вақтининг ўзида юқорида қайд этилган вариантлардан бир нечтасини қўллайдилар. Масалан, Эстония ва Литвада айрим тоифадаги мансабдор шахслар декларацияларни марказлашган органларга, бошқалари эса юқори турувчи раҳбариятга топширадилар. Асосан бу турли даражадаги давлат хизматчиларининг декларацияларини тегишли равишда ҳар хил институционал даражада кўриб чиқиш зарурлигидан келиб чиқиши мумкин.³⁵

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг - ушбу тизимни жорий қилган давлатларнинг ҳуқуқ тизими, давлат бошқаруви ҳамда коррупцияга қарши курашишдаги ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий асослари

³³ Thematic compilation of relevant information submitted by Portugal article 8, paragraph 5 on asset and interest disclosure systems portugal (ninth session)

[https://www.unodc.org/documents/corruption/WG-](https://www.unodc.org/documents/corruption/WG-Prevention/Art_8_Financial_disclosure_declaration_of_assets/Portugal.pdf)

[Prevention/Art_8_Financial_disclosure_declaration_of_assets/Portugal.pdf](https://www.unodc.org/documents/corruption/WG-Prevention/Art_8_Financial_disclosure_declaration_of_assets/Portugal.pdf)

³⁴ Act no. 2013-907 of 11 October 2013 on transparency in public life, 2013, consolidated 2016 (French), article 19

[https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/France/France_Law%20on%20the%20transparenc](https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/France/France_Law%20on%20the%20transparency%20in%20public%20life_2013_consolidated%202016_FR.pdf)

[y%20in%20public%20life_2013_consolidated%202016_FR.pdf](https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/France/France_Law%20on%20the%20transparenc)

³⁵ иловадаги 2-жадвал

яратилган ва жорий этилган. Шунинг билан бирга давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, қонун ости ҳужжатлар, ички тартиб қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ушбу жараёнларни амалга оширувчи институционал тузилмалар, декларация қилиш тартиб тамойиллари аниқлаштириш лозим.

Шуни қайд этиш жоизки, фикримизча Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишни жорий этишда, коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжати қабул қилиш, ушбу тизимни амалга оширувчи тузилма сифатида Коррупция қарши курашиш Агентлиги ҳамда ҳар бир давлат органи таркибида масъул шахс (ички бўлинма)ни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

II БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА ИЛҒОР ХОРОЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

2.1 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг халқаро стандартлари

Давлат хизматидан шахсий мақсадларда фойдаланиш номақбул ва яхши бошқарув учун зарарли деган тушунча янгилик эмас. Молиявий маълумотларни ошкор қилиш тизимидан коррупцияга қарши курашишда фойдаланиш 1970 йиллардаги АҚШда Watergate коррупция можаросидан кейин кенг тарқалди³⁶. Мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувидан хавотир кучайиб бораётганлиги сабабли, аксарият ҳолларда кўп давлатларда коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг бир қисми сифатида юқори даражадаги мансабдор шахслардан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни талаб қиладиган қонунларни қабул қила бошладилар. Ушбу қонунлар қабул қилиш сўнгги ўттиз йил ичида барқарор ўсиб борди. Шу билан бирга халқаро конвенциялари ва бошқа ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Хусусан, 1990-йилларда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим мамлакатларда нафақат активларни декларациялаш амалиёти қўлланилиш жараёни кузатилди, балки ушбу соҳада “юмшоқ” - тавсиявий халқаро стандартлар пайдо бўла бошлади. Давлат мансабдор шахсларининг

³⁶ 70-йиллардаги Watergate можароси Вашингтон шаҳридаги Уотергейт офисидаги мажмуадаги Демократик Миллий Қўмитанинг штаб-квартирасида бузилиш билан бошланиб, АҚШнинг президенти Ричард Никсоннинг истеъфога чиқиши билан тугаган. Даромадлар ва активларни ошкор қилиш жанжал ортидан сиёсатнинг диққат марказига айланди ва натижада иккита муҳим қонун - 1976 йилдаги Ҳукуматнинг қуёш нурлари тўғрисидаги қонуни ва 1978 йилдаги Ҳукуматнинг ахлоқ қоидалари тўғрисидаги қонунлари қабул қилинган.

активларини декларация қилишни назарда тутувчи биринчи халқаро ҳужжатлардан бири 1996 йилда қабул қилинган Коррупцияга қарши Америкаро Конвенция бўлди. Конвенция иштирокчи давлатларга нисбатан "қонунда белгиланган маълум вазифаларда давлат функцияларини бажарадиган шахсларнинг даромадлари, активлари ва мажбуриятларини рўйхатга олиш тизимлари ва агар керак бўлса, бундай реестрларни оммавий равишда ошкор қилиш тўғрисида" чораларни кўриб чиқиш талабини белгилайди.³⁷

Шунингдек, Африка Иттифоқининг 2003 йилда қабул қилинган Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияда аъзо давлатлар "барча ёки алоҳида кўрсатилган давлат амалдорларидан лавозимга киришган, давлат хизматида бўлган даврда ва тугаганидан кейин ўз даромадлари тўғрисида декларация қилишни талаб қилиш" мажбуриятни олиши кўрсатилган.³⁸

Ушбу соҳадаги биринчи Европа стандарти аъзо давлатларга юборилган давлат амалдорлари одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисидаги Вазирлар кўмитасининг R(2000) 10-сонли Тавсияларига киритилган. Ушбу Тавсияларларнинг 14-моддасида декларация масаласи, хусусан "Лавозимдаги давлат амалдорларининг расмий вазифалари уларнинг шахсига ёки шахсий манфаатларига таъсир қилиши мумкин бўлган тақдирда, қонун талабларига мувофиқ, тайинлангандан кейин ва ундан кейин маълум бир вақт оралиғида, шунингдек ушбу манфаатларнинг моҳияти ва ҳажми ўзгарган тақдирда декларация топшириши шарт"лиги кўрсатилган³⁹. Шунга эътибор бериш лозимки, ушбу тавсияда декларациянинг фақат молиявий манфаатларни

³⁷ Article III, Paragraph 4 of the Inter-American Convention Against Corruption, [электрон манба] https://www.oas.org/juridico_english/Treaties/b-58.html.

³⁸ Paragraph 1, Article 7 of the African Union Convention on Preventing and Combating Corruption, [электрон манба] <https://au.int/en/treaties/african-union-convention-preventing-and-combating-corruption>

³⁹ Recommendation Nr. R (2000) 10 of the Committee of Ministers to Member states on codes of conduct for public officials [электрон манба] <https://rm.coe.int/16806cc1ec>

назорат қилиш билан эмас, балки манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган назорат функцияси таъкидланган, бу қатор мамлакатларда муҳим масала ҳисобланади.

Европа Иттифоқига қўшилишни истаган давлатларга нисбатан қўлланиладиган шартлар одатда давлат амалдорлари учун декларация тизимини жорий этишни аниқ талаб қилмайди (декларацияга оид Европа Иттифоқи қонуни ёки умумий қонунчилик органи мавжуд эмас). Кенг маънода баён қилинган Европа Иттифоқининг позицияси “номзод мамлакат демократия, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институтларнинг барқарорлигига эришиши...”⁴⁰ деган талабни ўз ичига олади. Шу билан бирга, номзод давлатлар тегишли халқаро стандартлар талабларига риоя қилишлари ва коррупцияни олдини олиш учун турли хил тартиб қоидалар жорий қилишлари лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши умумий талаблари доирасида манфаатлар тўқнашуви ва давлат амалдорлари активларини текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ёки кучайтириш бўйича алоҳида мамлакатларга аниқ талаблар қўйилган.

Шундай қилиб, мажбурий меъёрий-ҳуқуқий база ва ушбу тизимлар самарадорлигининг инкор этилмайдиган далиллари бўлмаган тақдирда ҳам давлат амалдорларининг мол-мулки тўғрисидаги декларация Европа Иттифоқининг аъзоликка номзодларга нисбатан амалдаги стандартга айланди.

Айни пайтда давлат амалдорлари томонидан мол-мулкни декларациялаш 2003 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияда акс эттирилган дунё миқёсидаги стандартнинг бир қисмига айланди. Конвенциясининг 8-моддаси 5-бандида “Ҳар бир иштирокчи давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ички

⁴⁰ Бу “Копенгаген мезони” деб номланган. Presidency conclusions. Copenhagen European Council - 21-22 июн 1993 йил.

[электрон манба] http://www.europarl.europa.eu/enlargement/ec/pdf/cop_en.pdf

қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, давлат мансабдор шахсларидан тегишли идораларга, давлат мансабдор шахси сифатидаги вазибаларида манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлар, инвестициялар, мол-мулклар ҳамда совға ёки имтиёзлар тўғрисида декларацияларни тақдим этишни талаб қиладиган чора ва тизимларни ўрнатишга ҳаракат қилиши” кўрсатилган.⁴¹

Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тегишли давлат мансабдор шахсларга тааллуқли молиявий маълумотларни ошкор қилиб беришни кўзда тутувчи самарали тизимларни ташкил қилиш имкониятларини кўриб чиқади ва ушбу талабларга риоя қилмаганлиги учун тегишли жазо чораларини белгилайди. (52-модда)

БМТ Конвенциясининг юқоридаги талаблари мазкур мажбуриятларни кўриб чиқишда тавсиявий характерда бўлсада, бироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш тўғрисидаги қўлланмаси (БМТ, 12-банд, 4 бет, 2006 йил) баёнида давлатларга бундай декларация тизимларини жорий этишни кўриб чиқиш ва ушбу тизимларнинг уларнинг ҳуқуқий тизимларига мослигини аниқлаш учун чинакам саби-ҳаракатлар қилиши тавсия этилган.⁴²

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциянинг Техник қўлланмасида (БМТ, 2009 йил) қўшимча кўрсатмалар, хусусан қуйидагилар:

- мансабдор шахсларнинг барча турдаги даромадлари ва мол-мулклари (барчаси ёки маълум бир хизмат даражасидан ёки сектордан ёхуд қариндошларидан бошлаб) ошкор қилиниши кераклиги;
- ошкор қилиш шакллари мансабдор шахсларнинг молиявий ҳолатини ўтган йилга нисбатан кузатиб бориш имконини бериши лозимлиги;

⁴¹ БМТнинг «Коррупцияга қарши конвенцияси» 2003 йил.

⁴² United Nations (UN) (2006), Legislative Guide for the Implementation of the United Nations Convention Against Corruption, [электрон манба]
http://www.unodc.org/pdf/corruption/CoC_LegislativeGuide.pdf.

- ахборотни ошкор қилиш тартиб-қоидалари мансабдор шахсларнинг мол-мулкини бошқа механизмлар орқали ёки иштирокчи давлат маълумотларга эга бўлмаган шахсларнинг мол-мулкини яшириш имконияти истисно қилишлиги; (масалан, чет элда ёки норезидент номига рўйхатдан ўтказиш)

- жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари ва активларини мониторинг қилишнинг ишончили тизими мавжудлиги, масалан солиқ тизими доирасида жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг давлат хизматчилари билан боғлиқлигини таъминлаши;

- мансабдор шахсларнинг даромад манбаларини асослаш (исботлаш) вазифаси юклатилиши;

- мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлмаган мол-мулкини декларациялашига йўл қўймаслик, яъни кейинчалик келиб чиқиши бошқа изоҳга эга бўлмаган моддий қадриятларни асослаш учун ишлатилиши мумкинлиги;

- самарали назорат учун кадрларнинг етарлилиги, касбий ваколат, техник салоҳият ва назорат органларининг қонуний ваколатлари мавжуд бўлиши;

- ушбу талабларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик санкцияларини мавжудлиги келтирилган.⁴³

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг халқаро стандартларининг ҳуқуқий таҳлил бўйича қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Хусусан, халқаро стандартлар коррупцияга қарши курашишда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш заруриятини кўрсатиб беради. Чунончи давлат хизматчиларига ўзлари

⁴³ UN (2009), Technical Guide to the United Nations Convention against Corruption, [электрон манба] http://www.unodc.org/documents/corruption/Technical_Guide_UNCAC.pdf, accessed 30 June 2010.

хақидаги молиявий маълумотларнинг ошкор этилиши талабининг қўйилиши уларда “халоллик”, ҳисобдорлик ва фаолиятидаги шаффофликни таъминланишига хизмат қилади.

Зотан, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулнини декларация қилиш коррупцияга қарши курашишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

2.2 Даромад ва мол-мулкни декларация қилишнинг илғор хорижий давлатлар тажрибаси

Давлат хизматчиларидан ўз даромадлари ва мол-мулклари тўғрисида декларацияни беришни талаб қилиш - давлат хизматидан ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланишнинг олдини олишга ёрдам беради. Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш потенциал манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш учун воситаларни тақдим этиши ҳамда давлат хизматчиларининг ноқонуний бойишини олдини олиш, аниқлаш жиноий жавобгарликка тортишга ёрдам бериши мумкин. Коррупция қарши курашиш сиёсати, институтлари ва амалиётига кўпроқ эътибор берилиши давлат хизматчиларининг молиявий аҳволини очиқлашга бўлган қизиқишнинг кучайишига ҳамда декларациялашни жорий қилиш коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияларда ўз акси топгани ҳолда давлат хизматчилари ахлоқий хатти-ҳаракатларини шакллантиришдаги ролини оширишга олиб келди. Шунингдек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцига қарши конвенцияси ва бошқа халқаро коррупцияга қарши ҳужжатларнинг ижросида муҳим элемент ҳисобланди.

Даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилишнинг илғор хорижий давлатлар тажрибасида - Словения Республикаси (*Transparency International*нинг коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича 2018 йилда 60 балл, **36-ўрин**, 2019 йилда 60 балл, **36-ўрин** ва 2020 йилда 60 балл **35-ўрин**) ва Хитой халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди (*Transparency International*нинг коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича 2018 йилда 76 балл, **14-ўрин**, 2019 йилда 76 балл, **16-ўрин** ва 2020 йилда 77 балл **11 ўрин**) бўйича ўрганамиз.

Словенияда даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш бўйича дастлабки қоидалар 1992 йилда пайдо бўлган бўлсада, фақат 2004 йилда Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия ташкил этилганидан сўнг даромадлар ва мол-мулк ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилишнинг самарали тизими жорий қилинган. 2010 йил июн ойида Комиссиянинг ходимлари ташаббуси билан Комиссиянинг ваколатларини кенгайтириш ва унинг коррупцияга қарши ҳаракатларини тартибга солиш имкониятларни ошириш мақсадида “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган⁴⁴. Самарали бошқарув Комиссиянинг коррупцияга қарши курашишнинг асосий ҳаракатларини бажаришида муҳим аҳамият касб этиб, бунда даромадларни ва мол-мулкни декларация қилиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқа профилактик дастурларни ўз ичига олган.

Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш талабининг қўйилиши Комиссия томонидан янги санкциялар белгиланишига, қонунга итоаткорлик ошишига ҳамда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни тўғрисидаги декларация билан жамоатчиликни танишишини таъминлайдиган янги қонунни ишлаб чиқилишига муҳим рол ўйнаган.

Словенияда мавжуд Даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш тизимининг асосий элементларига қуйидагилар киради:

1) Ноқонуний бойиш ва манфаатлар тўқнашувига эътибор қаратиш. Словения тизимида молиявий маълумотларни декларация қилиш икки мақсадга хизмат қилади. Потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви декларацияларнинг мазмунини давлат идораси ва шахсий манфаатлар ўртасидаги номувофиқликни текшириш орқали аниқланса, ноқонуний бойиш эса декларация таркибини текшириш орқали ҳал қилинади.

⁴⁴ [электрон манба]

https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/Slovenia/Slovenia_Integrity%20and%20Prevention%20of%20Corruption%20Act_2010_amended%202011.pdf

2) Марказлашган тақдимот ва мониторинг. Даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш ва манфаатлар тўқнашуви вазифаси Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссиянинг манфаатлар тўқнашуви гуруҳига марказлаштирилган. Барча аризалар беш нафар доимий ходим томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқилади. 2009 йилда 6259 нафар ариза топширган бўлса, 2010 йил янги қонун кучга кирганидан сўнг хужжат топшириши лозим бўлганлар сони 14 минга яқинлашган.

3) Текшириш учун декларациясини ихтиёрий танлаш. Декларациялар тасодифий танлов орқали контентни текшириш учун танланади. Танланган декларациялар сони таркибни текшириш учун мавжуд бўлган ходимлар сонига боғлиқ ва шунинг учун ҳар йили ўзгариб бориши мумкин. 2009 йилда барча декларацияларнинг 33 фоизи текширувдан ўтказилган.

4) Контентни кенг кўламда текширишга имкон берувчи идоралараро ҳамкорлик. Таркибни текшириш жараёни декларация шаклидаги маълумотларни расмий маълумотлар базаларидаги маълумотлар билан таққослаш иборат. Қайд варақаларида тақдим этилган маълумотлар солиқ ёзувлари, ер участкалари, транспорт воситилари регистрлари, чорва моллари ва юридик шахсларнинг эгалик ва улуш ёзувлари билан текширилади. Ушбу текшириш одатда уч-тўрт ой давом этади.

5) Номувофиқлик учун санкциялар. Даромадлар ва мол-мулклар тўғрисидаги декларацияларни тақдим этмаслик ёки нотўғри тақдим этиш учун жарималар белгилаш.

6) Декларация тўғрисида маълумотларни очиклиги. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларда кўрсатилган даромадлар, активлар ва мажбуриятлар очикдир. Солиқ ва миллий идентификация рақами каби шахсий маълумотлар ва олдинги иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар сир сақланади.⁴⁵

⁴⁵ Stephanie E. Trapnell: Income and Asset Disclosure Case Study Illustrations World Bank.pdf p 188 [электрон манба]

Амалдаги Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия 2004 йилда Словенияда коррупция қарши курашни лойиҳалаштириш ва бошқариш, ҳамда даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизими амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Дарҳақиқат, молиявий ошкор қилиш Словения Югославиядан мустақил бўлиб ажралиб чиққанидан кўп ўтмай жорий қилинган. “Давлат функцияларининг фойда кидириш фаолияти билан мос келмаслиги тўғрисида”ги Қонуни манфаатлар тўқнушуви тўғрисидаги қоидаларни ҳам, парламент комиссияси назорати остида даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш бўйича талабларни ҳам ўз ичига олган. Давлат хизматчилари ҳар икки йилда ушбу Парламент комиссиясига даромадлари ва мол-мулки ҳақида декларация тақдим қилишлари шарт эди ва бу маълумотлар барчага ошкор қилинган. Бироқ, декларация топшириш бўйича қоидаларни бузганлик учун бирор бир жавобгарлик белгиланмаган ва ушбу декларацияларнинг тўғрилиги ҳам текширилмаган.

2000 йилда Европа кенгаши Словения давлатига коррупцияга қарши курашишда давлат стратегияси ёки коррупция қарши курашишга ихтисослашган махсус муассаса йўқлиги ҳақида мурожаат қилганлигидан сўнг Словения ҳукумати коррупцияга қарши курашишда жиддийроқ ёндаша бошлади. Шунга биноан Словения ҳукумати вазирликлараро коррупцияга қарши кураш гуруҳи ва Бош вазир девони ҳузурида коррупцияни олдини олиш идораси тузилди. 2004 йил феврал ойида “Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги янги Қонун қабул қилинди ва амалдаги Коррупцияга олдини олиш бўйича Комиссия ташкил этилди. Ушбу Комиссия фақат Парламентга буйсунади ва давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш учун масъул бўлган мустақил Конституциявий орган ҳисобланади.

2004 йилда Словенияда ҳукумат алмашганидан кейин Коррупцияга қарши мустақил агентлик қўллаб-қувватлашдан тўхтатилди. 2006 йилда

Парламент мустақил Комиссиянинг вазифаларини ўз зиммасига оладиган Миллий Ассамблея аъзоларидан иборат комиссия ташкили қилиш ҳақидаги қонуни қабул қилди.⁴⁶ Бироқ Конституциявий суд 2006 йил апрел ойида ушбу қонунни тўхтатиб қўйди ва 2007 йил март ойидаги қарорида Конституцияда белгиланган ваколатларнинг тақсимланиши парламент томонидан ишлаб чиқилган янги коррупцияга қарши тизим томонидан қўллаб-қувватланади деган қарори билан уни конституцияга зид деб топди.⁴⁷

2010 йил июн ойида Комиссиянинг ваколатларини кенгайтирадиган ва коррупцияга қарши чораларни тартибга солиш қабилиятини оширадиган “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш билан боғлиқ коррупция қарши курашиш тизимидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан,

- Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун санкциялар (77-модда)

- Даромад ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаганлик учун жарима моҳиятини ўзгартириш: автоматик равишда ишдан бўшатиш ишдан бўшатиш ўрнига комиссия маошни маълум бир миқдорда ушлаб қолишни талаб қилиши мумкин (44-модда) – автоматик равишда ишдан бўшатиш жуда оғир санкция оғир бўлганлиги учун Конституциявий суд томонидан бекор қилинган.

- Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисидаги маълумотларнинг жамоатчиликка очиқлиги (46-модда) – оммавий фойдаланиш аввалги қонунга ҳам киритилган, бироқ Конституциявий суд томонидан бекор қилинган. Мазкур қонун қабул қилингунга қадар декларация таркиби махфийлиги таъминланган.

⁴⁶ The Incompatibility of the Exercise of Public Office with Profit-Making Activities Act (ZNOJF-1)

⁴⁷ Decision U-I-57/06, dated March 29, 2007, the Constitutional Court of Slovenia, *Official Gazette* RS, Nos. 100/05, 46/06, and 33/07, Ljubljana.

Янги қонун Комиссиянинг ваколат доирасини кенгайтирди ва унга маъмурий жазо ва жарималар билан боғлиқ кенг ваколатлар берди. Комиссия 2010 йилдан бери Коррупцияга қарши курашишда ходимлар ва ресурслар талаб қилинганлиги боис таркибини кенгайтириб бормоқда.

Словения давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани деклараци қилишнинг ҳуқуқий асослари

Словения давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани деклараци қилишнинг ҳуқуқий асослари 2004 йилдаги “Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуннинг ўрнига қабул қилинган 2010 йилдаги “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Давлат хизматчиларининг қамрови

Декларация қилиш лозим бўлган давлат хизматчилари қамрови 2004 йилда “Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганидан буён кенгайтирилди, мазкур қонунга кўра фақат лавозимларга тайинланган давлат хизматчилари декларацияни топширишлари керак эди. 2010 йилдаги “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига биноан эса профессионал мансабдор шахслардан ташқари, шаҳар хокимлари ва уларинг ўринбосарилари, юқори лавозимли давлат хизматчилари, давлат харидлари бўйича бошқарувчи ва мансабдор шасхлар даромадлари, мол-мулки ва мажбуриятлари ҳақида декларация қилишлари шарт. (3-жадвал)

Давлат харидлари бўйича масъул шахслар таркибига - пудрат ташкилотлари томонидан экспертиза қўмиталарига давлат шартномаларини тузиш учун тайинганлан шахслар, шунингдек, тендер ҳужжатлари мазмунини қабул қиладиган, тасдиқлайдиган ва таклиф қиладиган, таклифларни баҳолайдиган ва тендер ўтказиш жараёнларини ташкил қилувчи шахслар киради.

Декларациянинг мазмуни

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларациясининг мазмуни 2010 йилдаги “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, декларация топширувчининг шахсий маълумотлари, эгаллаб турган лавозими, шахсий бизнес манфаатлари, даромадлари, мол-мулки ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Декларация топшириш даврийлиги

“Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддасига асосан давлат хизматчиси лавозимга киришганидан ёки лавозимдан кетгандан кейин бир ойдан кечиктирмасдан даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт. Йиллик декларация топшириш учун ҳеч қандай талаблар мавжуд бўлмасада, Қонуннинг 43-моддасига кўра, давлат хизматчиси лавозим функциялари, хусусий бизнеси эгаллиги ёки фаолияти ўзгарганда, шунингдек, даромадлари, мол-мулки, пул маблағлари ва мажбуриятлари 10000 Евро миқдорида ўзгарганда декларация топширишлари шарт. Ушбу маълумотлар 31 январь кунига қадар ўтган йил учун Комиссияга топширилиши шарт.

Комиссия декларациядаги молиявий маълумотлар ҳақида шубҳалар мавжуд бўлганда, ишдан бўшатишган шахснинг ишдан бўшаганидан кейинги бир йил даври учун декларация топширишни талаб қилиши мумкин.

Агар декларант томонидан даромадларни ёки мол-мулкни яшириш мақсадида оила аъзолари номига ўтказётганлиги ҳақида шубҳалар мавжуд бўлганда, Комиссия ундан оила аъзоларидан – турмуш ўртоғи, болалар, тарбияланувчилар, ота-онаси, ака-ука, опа-сингил ва декларант билан бирга яшовчи бошқа яқин қариндошлари декларация топширишни талаб қилади.

Санкциялар

“Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасига биноан давлат хизматчиси даромадлар ва мол-мулк тўғрисида декларацияни тақдим этмаса Комиссия у билан алоқада бўлади. Қонунга кўра, Комиссия у билан боғланганидан кейин декларация топшириш учун 15-30

кун муҳлат берилади. Агар шундан кейин ҳам давлат хизматчиси декларацияни тақдим этмаса унинг иш ҳақи ҳар ойда 10 фоиз миқдорда камайтиради.⁴⁸ Қонун иш берувчиларни ушбу санкцияни Комиссия кўрсатмасига мувофиқ қўллашга мажбур қилади.

Иш ҳақини камайтиришдан ташқари, “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонун талабларини бажармаганлик учун 400 евродан 1200 еврогача жарималар белгиланади. Даромадлар ва мол-мулк декларациясини тақдим этмаслик, сўров бўйича қўшимча маълумотларни беришдан бош тортиш ёки даромадлар ва мол-мулк декларациясида нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун Комиссия ушбу доирада жарималар солиши мумкин.

Агар давлат хизматчиси даромадларни ва мол-мулк тўғрисидаги декларациядаги бузилишлар тўғрисида етарли маълумотлар бера олмаса, Комиссия сайловлар ёки тайинланишларни назорат қилиш учун масъул булган органга (давлат хизматчисининг лавозимига қараб) хабар бериши шарт. Ушбу орган давлат хизматчиси билан шартномани бекор қилиши ёки ишдан бўшатиши мумкин ва бу ҳақда Комиссияни хабардор қилади. Бундан ташқари, Комиссия чора кўригунга қадар даромадлар ёки мол-мулк яширилганлиги ҳақида шубҳалари бўлса, Комиссия ишни жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш органига, солиқ органига ёки молиявий назорат органига юбориши мумкин.

Декларациянинг мувофиқлиги ва топширилиши текшириши

Комиссия ҳужжатларни тақдим этишнинг мувофиқлиги учун ҳам, даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни текширилиши учун ҳам жавобгардир. Текшириш декларациядаги маълумотларни кадастр ва транспорт реестри, чорва моллар руйхати ва солиқ органлари каби давлат идораларида мавжуд бўлган маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади. Давлат хизматчилари 15 кун давомида текширишда аниқланган

⁴⁸ Ушбу жазодан профессионал бўлмаган ҳокимлар, ҳоким ўринбосарлари ва лоббистлар озод қилинади.

қонунбузарликларни аниқлаштиришлари ёки даромадлар ва мол-мулк декларацияларга оид далилларни тақдим этишлари шарт.

Декларацияларни омма эътиборига ҳавола этиш

“Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасига биноан, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган даромадлар, мол-мулк ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар барчага маълум қилинади. Солиқ ва миллий идентификация рақамлари каби шахсий идентификация рақамлари, шунингдек фаолият ва олдинги иш жойи ҳақидаги маълумотлар сир сақланади.

Маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилишнинг муҳим шартларидан бири даврдир. Қонун давлат хизматчисининг ўз лавозимида киришишидан олдин топилган мол-мулк ёки даромадлар тўғрисидаги маълумотларни оммага эълон қилиш талабини истисно қилади. Ушбу истисно декларацияни текширишга таъсир қилмайди, чунки мансабдор шахслар декларацияда барча мол-мулкни декларация қилиши шарт, аммо бу ҳукумат амалдорининг биринчи декларациясидаги маълумотларни сир сақланадини таъминлайди. Ҳарид қилиш соҳасида ва Миллий назорат Комиссиясида ишлайдиган мансабдор шахсларнинг бойлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам нашр этилиши шарт эмас.

Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш Агентликнинг ваколатлари ва тузилиши

Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия Словенияда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини бошқариш учун масъулдир. Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини тадбиқ этувчи агентликлар қаторига давлат Прокуратураси, полиция, идоравий инспекциялар, Миллий тергов бюроси ва жиноий даромадларни легаллаштиришни олдини олиш бошқармаси киради. 2010 йилда янги раҳбарнинг тайинланаши билан бўлимларнинг қайта ташқил этилиши бошланди.

Тўртта алоҳида бўлимнинг (профилактика, ҳалоллик, манфаатлар тўқнашуви ва лоббичилик) ўрнига Комиссияда иккита функционал бўлинмадан иборат: Тергов ва назорат Бюроси ҳамда профилактика ва жамоат ҳалоллиги Маркази ташкил этилган. Тергов ва назорат Бюроси ўз ваколат доирасида тергов ва назорат қилиш билан бирга, молиявий маълумотларни ошкор қилиш, манфаатлар тўқнашуви, лоббистларни руйхатга олиш, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура билан идоралараро мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Коррупцияни олдини олиш ва жамоат ҳалоллиги маркази профилактика чоралари, шу жумладан Коррупцияга қарши кураш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш, давлат сектори ташкилотлари учун ҳалоллик дастурларни ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда фуқаролик жамияти ва илмий тадқиқот муассасаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш тизими ресурслари ва жараёнлари

Имкониятлар ва технологиялардан фойдаланиш

Комиссия шаҳар маркази яқинидаги офис биносининг бир қаватида жойлашган. Биноларнинг умумий майдони 1100 квадрат метрни ташкил қилади ва ходимлар ўзларининг офисларида бўлишади. Компьютер барча ходимларга бириктирилган бўлиб, серверлар учун қўшимча қурилмалар ва дастурий таъминот доимий янгиланиб туради. Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия 2011 йилдан даромадлар ва мол-мулк декларация топшириш онлайн тартибга ўтилган. Эндиликда ҳукумат амалдорлари молиявий аҳволлари тўғрисидаги маълумотларни Комиссиянинг веб-сайтида онлайн тарзда тақдим этишлари шарт. Декларациялар онлайн топширишдан олдин қоғоз шаклда топширилган. Топширилган декларациялар қулфланган хонадан шкафларда юқори даражада химояланган тарзда сақланган.

Кадрлар ресурси

Манфаатлар тўқнашуви бўлимида бешта доимий ишчи – менежер, менежер ўринбосари, учта маслаҳатчи ва битта стажёр мавжуд. Комиссияда 37 киши ишлайди.

✓ *Ишга қабул қилиш:* барча давлат хизматчилари ишга қабул қилиш комиссияси назорати остида танлов асосида қабул қилинади ва аъзолари (раис, ўринбосарлар ва маслаҳатчилар) президент томонидан лавозим малакалари қараб тайинланади. Масалан, Комиссия раиси ўринбосари Ҳисоб палатаси ишланганлик тажрибаси бўлиб, у молиявий масалаларда ёрдам беради.

✓ *Малакалар:* Комиссиянинг маъмурий бўлмаган ходимларининг 82 % фоизи камида тўрт йиллик бакалавр маълумотиغا эга. Ишга қабул қилингандан сўнг барча ходимлар компьютер дастурлари тўғрисида билимга эга бўлиши лозим.

✓ *Ўқитиш:* Барча ходимлар қонун бўйича махфийлик бўйича қонунлар бўйича таълим олишлари шарт. Катта ходимлар керак бўлганда қоидалар ва процедуралар бўйича норасмий тренинглар ўтказилади. Шунингдек, ходимлар зарур бўлганда ташқи ўқув дастурларига қатнашишлари ҳам мумкин, чунки ходимлар ўз иш доиралари янгиликларни ўрганиб боришлари керак.

✓ *Фаолиятни баҳолаш:* йиллик иш фаолиятини баҳолаш давлат хизмати қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Комиссия ташкил этилганидан буён ходимлари деярли 3 баравар кўпайди.

Декларацияларни тақдим этиш мувофиқлигини бошқариш

Барча давлат мусасалари ўз ташкилотларида даромад ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни топшириши лозим бўлган декларантларни аниқлашлари ва ҳар қандай ўзгаришлардан кейин 30 кун ичида Коррупцияни олди олиш бўйича Комиссияга декларантларнинг руйхатини юбориши шарт. Аслида Комиссия декларантларга уларнинг талаблари ва ҳужжатларни ўз вақтида топшириш муддатлари тўғрисида хабар беришга мажбур эмас, аммо

тўлиқ маълумот олиш учун Комиссия ҳар бир мажбурий декларантдан ўз мажбуриятлари бажаришини талаб қилади. Шунингдек, декларантлар ўз вақтида даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни ўз вақтида тақдим этолмаганда ёки декларацияни тўлдириш бўйича бошқа саволлар туғилган тақдирда улар билан маслаҳатлашади.

Декларация варақаларини юклаб олиш ва қоғозга кўчириш мумкин, ammo қоғозда тўғридан тўғри Комиссияга топширилиши керак. Комиссия томонидан қабул қилинган сўнг, шахсий маълумотлар (молиявий бўлмаган) Excel файлга киритилади ва ҳар бир декларантларга хавфсизлик ва ёзувларни сақлаш учун тасодифий рақам берилади. Ушбу жараён одатда бир икки ҳафта давом этади.

Декларацияларни текшириш

Шахсий маълумотлар электрон шаклда сақлангандан сўнг, лавозим функцияларининг номувофиқлиги текширилади (масалан, бир киши бир вақтнинг ўзида бажариб бўлмайдиган иккита лавозимни эгалласа, маҳаллий ҳоким ва вазир лавозими). Кейин давлат хизматчисининг акциялар, бизнесга эгалик қилиш каби шахсий манфаатлари унинг ҳукуматдаги ёки давлат идорасидаги вазифалари билан номувофиқлиги текширилади. Ва ниҳоят, декларациялар бўйича бойлик номуносив равишда кўпайганлиги ёки декларация таркиби ва ташқи реестрлардаги маълумотлар ўртасидаги номувофиқ борлигини аниқлаш учун танланма равишда текширилади.

Тезкор текширувдан ўтказилган декларациялар сони мавжуд бўлган ходимлар сонига боғлиқ. 2009 йилда декларацияларнинг 33 фоизи шу тарзда текширилиб, натижада текширилган декларацияларнинг ходимга нисбати 1:413 ни ташкил этган. Комиссия декларациялардаги маълумотларни расмий маълумотлар базаларидаги маълумотлар билан таққослашни ўз ичига олган текшириш жараёни учун ички тартибларни ишлаб чиққан. Декларацияларда тақдим этилган маълумотлар солиқ идорасидаги маълумотлар, кадастр, транспорт воситалари реестри, чорва моллари реестри ва тижорат корхоналаридаги улуш ва акциялар тўғрисидаги маълумотлар билан

солиштириб текширилади (қонунга кўра банкдаги ҳисобварақлар текширилмайди). Ушбу тўлиқ текширув одатда 3-4 ой давом этади.

Агар номувофикликлар мавжуд бўлса, Комиссия декларантдан тушунтириш талаб қилади. Тушунтириш қоникарсиз бўлса, иш берувчи томонидан санкциялар қўллаш учун Комиссия ишдан бўшатиш ёки лавозимдан четлатишни тавсия қилади. Агар қўшимча маъмурий текширув ўтказиш зарур бўлса, Комиссия декларант ишлайдиган идоранинг инспекциясини хабардор қилади, чунки ушбу идора давлат топшириғига кўра ўз текширувини ўтказиши мумкин. Агар жиноий фаолият гумон қилинса, ёки мол-мулкни бегоналаштириш таҳдиди пайдо бўлса иш жиноий тергов учун тегишли органга юборилади.

Тергов функцияси

Қонунга кўра, Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация қилиш талабларини ўз ичига оладиган кенг маъмурий тергов ваколатига эга ва коррупцияга қарши қоидаларни бузганлик учун маъмурий жазо чоралари қўллаши мумкин. Ушбу ваколатлар коррупция тўғрисидаги шикоятларни текшириш ёки текшириш учун ҳар қандай идорадан, давлат ёки хусусий идоралардан маълумотларни сўраш ҳуқуқини ва ҳамкорлик қилмайдиган шахсларга жарима солиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Полиция ёки Миллий тергов Бюроси сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маъмурий имкониятлар тугаган ва жиноий жазо хавф остида бўлганда ёки давлат маблағлари ўзлаштириш таҳдиди бўлганда мурожаат қилади.

Идоралараро ҳамкорлик

“Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ташқи идоралар маъмурий текширув ўтказиш тўғрисида сўров юборилганидан 15 кун ичида Комиссияга маълумотлар, шу жумладан декларацияларнинг мазмуни текширилишини тақдим этишлари шарт. Ахборот агентликлар ўртасида электрон шаклда узатилади, сўровни кўриб чиқишнинг ўртача муддати – бир ҳафта.

Комиссия маълумотларни олишнинг ҳуқуқий асосларини ва маълумотлардан қандай мақсадда фойдаланишини тушунтириши керак. Агар агентлик ҳамкорлик қилишдан бош тортса, Комиссия ишни қўшимча кўриб чиқиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки назорат органларига юборади. Прокуратура, полиция, Миллий тергов Бюроси ва жинойт даромадларни легаллаштиришга қарши кураш идораси биргаликда Комиссия шубҳали топилмалар билан ишларни кўриб чиқишда қўзғатилган жинойт ишлари олиб боради.

Миллий Ассамблея Комиссиянинг бирламчи назоратини амалга оширади ва унинг иш мазмуни ва ҳажми тўғрисида йиллик ҳисоботни, Комиссиянинг қарорларини, хулосалар ва фикрларини ҳамда коррупциянинг ҳозирги ҳолати ва унинг олдини олиш имкониятларини баҳолашни талаб қилади.

Хулоса

Словениянинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими коррупцияга қарши курашда асосий элементлардан бири бўлиб, 2010 йилда қабул қилинган “Ҳалоллик ва коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур тизимнинг жорий қилиниши давлат хизматчиларининг қонунларга итоаткорлигини ошириш, улар томонидан ноқонуний бойлик орттириш ҳолатларини аниқлаш ва жазо тизимини шаклланишига, манфаатлар тўқнашувини аниқлашга хизмат қилади.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, молиявий маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чоралари амалга киритилганлиги, декларациядаги маълумотларнинг барча учун очиқлиги, давлат ҳаридлари соҳасида коррупциявий хатарларга алоҳида эътибор берилганлиги, давлат хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкни бошқа шахс номига ўтказиш ҳақидаги шубҳалар бўлганда, бошқа оила аъзоларидан декларация талаб қилиниши белгиланган.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш Словениянинг Коррупцияни олдини олиш бўйича Комиссия томонидан амалга оширилиб, декларациялардаги маълумотларни тўғрилигини текшириш, идоралараро ҳамкорлик қилиш ва аниқланган бузилишлар бўйича маъмурий чоралар кўриш функцияларини бажаради.

Мазкур тизим Словенияда коррупцияга қарши курашда манфаатлар тўқнашуви, давлат амалдорларининг ноқонуний бойиши, давлат харидлари соҳасида талон-торож ҳолатларини тартибга солишда ўз самарасини кўрсатган.

Хитой Халқ Республикасининг Гонгконг махсус маъмурий ҳудуди 1970 йилларда жорий қилинган кенг қамровли коррупцияга қарши тизим билан бошланган узоқ йиллик мувоффақиятли коррупцияга қарши кураш тарихига эга. Хозир у дунёдаги энг самарали тизимлардан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши кураш, шу жумладан даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш билан боғлиқ фаолият - бир қатор муассасалар, жумладан Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия, Гонгконг Ҳукумат Котибиятининг Давлат хизматлари Бюроси ҳамда Парламент ва Адлия вазирлигининг ваколатига киради.

Гонгконгнинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими 2004 йилда ташкил этилган, бироқ юқорида таъкидланганидек, 1970 йилларда Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ташкил этилиши билан биринчи марта жорий қилинган кучли коррупцияга қарши тизимга асосланади. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими Давлат хизматлари бюроси томонидан назорат қилинади ва ҳукумат таркибидаги айрим идоралар томонидан амалга оширилади (шу билан бирга Коррупцияга қарши Мустақил Комиссияси Бюро ва айрим агентликларга даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш сиёсати бўйича маслаҳат ва ёрдам беради). Манфаатлар тўқнашувига қаратилган, Гонгконг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими, ўзларининг даромадлари ва мол-мулкларини иш

стажига ёки эгаллаб турган лавозимининг аҳамиятига қараб ҳар хил даражада декларация қилиши керак бўлган уч даражали давлат хизматчиларини яратган. Хозирда ўзларининг манфаатларини очик эълон қилиши керак бўлган 24 та юқори даражадаги мансабдор шахслар ва этика бўйича расмийлар томонидан текшириладиган, махфий баёнотларни тақдим этиши лозим бўлган 3700 давлат хизматчиси мавжуд. Умуман олганда ҳукумат бўйлаб давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини бошқаришга маъсул бўлган 75-80 нафар мансабдор шахс бўлиб, улар ўз ҳужжатларида 100 фоизлик мувофиқликка эришганлиги ҳақида хабар беришади.

Гонгконг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимининг асосий элементларига қуйидагилар киради:

➤ **Манфаатлар тўқнашувига алоҳида эътибор.**

Гонгконгнинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизими фақат манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва идентификация қилиш дастури сифатида ишлаб чиқилган. Натижада, декларацияларнинг тўғрилиги доимий равишда текширилмайди.

➤ **Декларация топшириши керак бўлган мансабдор шахсларнинг кўп даражали таснифи.** Давлат хизматчилари уч даражага бўлинган. 1-даражага 24 та асосий давлат лавозимлари, жумладан доимий котиблар, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия комиссари, полиция Комиссари ва божхона ва акциз Комиссари киради. 2-даражага 1-даражадаги лавозимларни қўллаб-қувватлайдиган маъмурий ёрдамчилар, барча директорлар ва доимий котиблар томонидан потенциал манфаатлар тўқнашуви хавфига мувофиқ тайинланадиган бошқа лавозимлар киради. 3-даражадаги лавозимларга барча бошқа давлат хизматчилари киради.

➤ **Ҳар хил тоифадаги мансабдор шахслар учун турли даражадаги маълумотларни ошкор қилиш.** 1-даражали декларация қилиш – энг кўп миқдордаги активларни, шу жумладан Гонгконг ёки чет элдаги компанияларга сармоялар, шунингдек кўчмас мулк, шериклик ва кенгашга

аъзоликни декларация қилишлари шарт. 2-даражадаги декларациялар компанияларнинг молявий манфаатларига қаратилган. 3-даражали давлат хизматчилари ўз мол-мулкани доимий равишда декларация қилиши шарт эмас, балки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишлари ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликлари лозим.

➤ **Ишончли назорат.** Алоҳида давлат идоралари томонидан даромалар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни олиш ва уларнинг тўлиқлигини ва манфаатлар тўқнашуви учун текшириш учун масъул бўлган ахлоқ бўйича мансабдор шахслар тайинланган. Ҳар бир агентлик декларация қилиш талабларини бажармаганлиги ёки манфаатлар тўқнашувини юмшатиш бўйичат тегишли белгиланган чораларни кўрмагани учун маъмурий жазо чораларини қўллаиди. Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия хужжатларни тақдим этмаслик ёки манфаатлар тўқнашуви учун жиноий жазоларни текшириш ва ижро этиш учун масъул этиб белгиланган (бу низонинг моҳияти ва оғирлигига қараб, жиноий жавобгарликка тортиш мумкин).

➤ **Ходимлар билан ҳамкорлик қилишга эътибор бериш.** Жиноий жазо мавжудлигига қарамай Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ва Гонгконг Ҳукумат Котибиятининг давлат хизматлари бюроси давлат хизматчиларига манфаатлар тўқнашувидан қочишга ёрдам беришни биринчи ўринга қўяди. Бундан ташқари, агар манфаатлар тўқнашуви юзага келса, лекин давлат хизматчиси бундай тўқнашувни олдиндан эълон қилса, у одатда химоя қилинади.

➤ **Оммавий фойдаланиш.** Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулклари тўғрисидаги декларацияси маълумотлар Гонгконг Ҳукумат Котибиятининг давлат хизматлари бюроси штаб квартираси сайтида очик ва улардан нусха олиш мумкин.⁴⁹

⁴⁹ World Bank/StAR (World Bank/Stolen Asset Recovery Initiative): *Income and Asset Disclosure: Case Study Illustrations*. Washington, DC: World Bank. 2011. P 82.

Гонконг (Хитой) нинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизими фақатгина ҳукумат амалдорлари ва давлат хизматчилари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш қаратилган. Декларациялаш ҳукуматнинг ишга ёллаш бўйича асосий агентлиги бўлган Давлат хизматлари Бюроси томонидан бошқарилади, аммо ҳукуматнинг ҳар бир тармоқ агентлиги томонидан белгиланган ахлоқ қоидалари бўйича мутасадди томонидан амалги оширилади. Ушбу тузилмани Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия назорат қилади. Комиссия Давлат хизматлари бюросига, ҳам алоҳида идораларга давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишни амалга оширишда стратегик маслаҳатлар беради.

Иқтисодиётда даромадлар ва мол-мулкини декларация қилиш тизими фақатгина мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва аниқлаш учун мўлжалланганлиги сабабли, мазкур тизим Давлат хизматлари бюроси, алоҳида идоралар ва ҳужжатларни топширувчи шахслар ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратишга қаратилган. Аризалар давлат хизматчисининг идорасида белгиланган этика бўйича ходимга берилади. Ушбу ахлоқ қоидалари бўйича ходим Давлат хизматлари бюроси томонидан эълон қилинган кўрсатмаларга амал қилади. Кейинчалик ушбу ахлоқ қоидалари бўйича ходим давлат хизматчисининг мол-мулки ва манфаатлари ҳамда хизмат мажбуриятлари ўртасидаги номувофиқлик йўқлигини текшириш учун декларацияни таҳлил қилади. Агар декларацияни таҳлил қилишда манфаатлар тўқнашуви аниқланса, ахлоқ бўйича ходим низо хусусиятига қараб тегишли чораларни кўришни тавсия қилади. Бу лавозимдан четлатишдан озод қилишгача, хатто жиноий жавобгарлик келтириб чиқарадиган бўлса, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия мурожаат қилишгача бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизими Гонконг (Хитой)да ҳукумат амалдорлари ва давлат

хизматчиларини химоя қилиш тизими бўлса ҳам, иқтисодиётнинг коррупцияга қарши умумий тизимида мустаҳкам ўрнашган.

Гонконгда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизимининг жиҳатлари учун масъул бўлган турли идоралар алоҳида қонунлар асосида ташкил этилган. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш функцияларни бажарадиган иккита энг муҳим субъект бу – Давлат хизматлари Бюроси ва Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг коррупциянинг олдини олиш бўлими ҳисобланди. Шу билан бирга Гонконгнинг декларация тизими манфаатлари тўқнашуви бўйича кўрсатмаларни амалга ошириш ва бошқариш учун алоҳида идораларга таянадиган ҳамда алоҳида идораларда ишлайдиган давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларациялаш ва таҳлил қилиш амалга оширадиган марказлашмаган тизимдир.

Ушбу декларация қилиш тизими марказлаштирилмаганлигига қарамасдан, Давлат хизматлари Бюроси “давлат хизматчилари учун инвестицияларини декларация қилиш тизими” деб ном олган даромадлар ва мол-мулк декларация қилиш тизимини бошқариш билан шуғулланидиган етакчи агентликдир. Ушбу декларациянинг принциплари ва талаблари Давлат хизматлари Бюросининг 2/2004 ва 8/2006-сонли баённомаларида кўрсатилган⁵⁰. Давлат сиёсати давлат хизматчисининг хусусий инвестицияларга бўлган ҳуқуқи ва шахсий ҳаёти ҳамда давлат хизматининг холислиги ва ҳисобдорлигини ҳурмат қилиш ўртасидаги мувозанатни сақлашга қаратилган.

Гонконг (Хитой)нинг коррупцияга қарши чоралар бўйича бенуқсон обрўсига қарамай, унинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими яқинда яратилган ва фақат ҳукумат

⁵⁰ CIVIL SERVICE CODE of the Government of the Hong Kong Special Administrative Region. [электрон манба] https://www.csb.gov.hk/english/admin/conduct/files/CSCCode_e.pdf, DECLARATION OF INVESTMENTS BY CIVIL SERVANTS, [электрон манба] <https://www.csb.gov.hk/english/admin/retirement/files/GF389Ire.pdf>, <https://www.csb.gov.hk/english/admin/retirement/files/GF389Ire.pdf>

амалдорлари учун мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви аниқлаш ва олдини олишга қаратилган. Шундай қилиб, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг таниқли коррупцияга қарши кураш қобилияти даромадлар ва мол-мулк декларацияси тизимини бошқаришда иккинчи даражали рол уйнайди. Бунда, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг Коррупциянинг олдини олиш Департаменти даромадлар ва мол-мулкни декларация тизимининг тузилишини шакллантиришда муҳим рол уйнайди ҳамда Порахўрликни олдини олиш тўғрисидаги Қарор ва Давлат хизматидаги ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги Қарорларга мувофиқ тизимни ўз ваколати асосан амалга ошириш бўйича доимий равишда Давлат хизматлари Бюросига маслаҳатлар беради.

Даромадлар ва мол-мулкни декларация қилишда коррупциянинг олдини олиш Департаментининг ролининг асосий элименти давлат хизматчилари учун инвестиция декларациясини тўлдиришда ёрдам берадиган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳисобланиб, декларантларга батафсил кўрсатма бериш, улар эълон қилиши лозим бўлган барча сармояларни аниқлашга имкон беради. Давлат хизматлари бюроси, ўз навбатида ушбу кўрсатмаларни ишлаб чиқишда Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия билан яқин ҳамкорлик қилади ҳамда баъзида алоҳида бўлимлар ва Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ўртасида вазифасини бажаради ва турли бўлимларнинг тажрибаларини ўрганади ва декларация тузилишида ёки Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия бошқарув тизимида мумкин бўлган ўзгартиришлар бўйича тавсиялар беради. Бироқ қонунга биноан, алоҳида агентликлар охири-оқибат ўз идораларида манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи мажбурий қоидаларни қабул қилиш учун жавобгардир.

Расмий шахсларнинг қамрови

Давлат хизматлари Бюроси қоидаларига кўра, давлат хизматчилари икки турдан бирига 1-даражага ёки 2-даражага тегишли бўлиб, иккаласи ҳам ўз даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация беришлари шарт. Махфий маълумотларга эга бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви хавфи юқори бўлган давлат лавозимидаги мансабдор шахслар 1-даража ёки 2-даража деб

тавсифланади. 1-даражали лавозимлар ҳукумат томонидан марказий равишда тайинланади ва 24 та асосий давлат лавозимларидан иборат, жумладан доимий котиблар (18), полиция комиссари, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия комиссари, иммиграция хизмати директори, божхона ва акциз комиссари, аудиторлик постлари директори (5) ва марказий сиёсат бўлими бошлиғи. Ушбу шахсларнинг декларациялари барча учун очик бўлади.

2-даражали лавозимларга 1-даражадаги лавозимларни қўллаб-қувватлаш учун маъмурий ёрдамчилар ва шахсий котиблар, 1-даражадан ташқари барча директор лавозимлари ва доимий котиблар ҳамда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари хавфи ортиши сабабли бўлимлар раҳбарлари томонидан тайинланадиган директор бўлмаган лавозимлар киради. Хозирда 2-даражадаги 3700 яқин лавозимлар Давлат хизматлари Бюроси томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилади, аммо нашр этилмайди. 1-даража ва 2-даражадан ташқари – тайинланмаган даража, баъзан норасмий равишда 3-даража деб аталади, унда биринчи ва иккинчи даражага киртилмаган барча давлат хизматчилари киради. Ушбу давлат хизматчилари ўзларинининг сармоялари тўғрисида декларация қилишлари шарт бўлмайди.

Декларациянинг мазмуни

1 ва 2-даражали давлат хизматчилари Гонконг (Хитой) ва бошқа мамлакатлардаги ҳар қандай инвестиция, улуш, ҳар қандай компания ёки корхонадаги тўғридан-тўғри ёки билвосита фоизлар, шунингдек ер ёки биноларга (уйларга) бўлган ҳар қандай қизиқиш тўғрисида декларация қилишлари шарт. Декларацияда деклорантнинг турмуш ўртоғининг ҳам касби кўрсатилиши керак. Декларациялар банкдаги омонатларни ўз ичига олмайди. Иккила гуруҳ битим ўтказилган кундан бошлаб етти кун ичида 200.000 Гонконг доллари миқдорида ёки уч ойлик иш ҳақи эквиваленти миқдоридаги ҳар қандай индивидуал инвестиция операциялари ҳақида ҳисоботлар беришлари шарт. Иккила даражадаги мансабдор шахслар ҳам турмуш ўртоғини касбини ҳисоботда кўрсатиши шарт. (3-жадвалда декларация мазмуни келтирилган).

Бундан ташқари, 1-даражали лавозим эгалари жамоатчилик назорати ва сўровлари учун ички ва халқаро қўшимча манфаатларни рўйхатдан ўтказиш шарт. Ушбу манфаатлар қаторига ер ва бинолар (уй), мулк ҳуқуқи, шериклик ёки компаниялар кенгашлари, шунингдек, биржада рўйхатдан ўтган ҳар қандай давлат ёки хусусий компанияларга чиқарилган устав капиталининг 1 фоизига ёки ундан кўпига эгалик қилиш киради.

1-даража ҳам 2-даража ҳам бўлмаган давлат хизматчиларидан инвестициялар тўғрисида доимий равишда декларация бериш талаб қилинмайди, аммо барча турдаги давлат хизматчилари ўзларининг инвестициялари ва расмий мажбуриятлари ўртасида ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва эгасини бундай можарога олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай инвестициялар тўғрисида хабар бериш учун жавобгардирлар.

Даромадларни ва мол-мулкни декларация қилиш бўйича кенг қамровли ва динамик тизимни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Давлат хизматлари Бюроси турли департаментлар ва бюроларни ўзига хос иш шароитларини ҳисобга олишга ва ходимлардан маълум инвестиция ҳаракатларидан қочиш ёки декларация қилишни талаб қиладиган қўшимча кўрсатмалар беришга ундайди.

Декларация топшириш даврийлиги

Гонконгда (Хитой) даромадларни ва мол-мулкни декларация топшириш даврийлиги Коррупцияни олдини олиш Департаменти ва Давлат хизматлари Бюроси талаблари бўйича бир хил. 1-даражали давлат хизматчилари лавозимга тайинланганидан ва сўнгра ҳар йили декларация топширишлари шарт.

2-даражали давлат хизматчилари тайинланганидан кейин ва сўнгра ҳар икки йилда декларация топширишлари шарт. Йиллик ёки икки йиллик даромадлар ўртасида ҳар иккила гуруҳ битим кунидан эътиборан етти кун ичида ҳар қандай йирик инвестиция операциялари тўғрисида хабар беришлари керак.

Декларациядаги маълумотларни текшириш

На Давлат хизматлари Бюроси, на Коррупцини олдини олиш Департаменти тақдим этилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тўғрилигини фаол равишда текширмайди. Шу билан бирга, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда ёки шикоят берилган ҳолатларда, декларацияда келтирилган маълумотлар бўйича текшириш амалга оширилади. Шунингдек, декларациялар аниқлиги учун текширилмаса ҳам, декларация топширувчининг манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлаш учун ҳар бир идорада белгиланган ахлоқ қоидалари бўйича расмий томонидан таҳлил қилиб борилади.

Даромадларни ва мол-мулкни декларация қилиш бўйича самарали тизимни сақлаб қолиш мақсадида, Коррупцияни олдини олиш Департаменти вужудга келадиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича мисолларни яратишга ва нашр этишга даъват этади. Шунингдек, Департамент Гонконг (Хитой) жамият ва тармоқлар учун “энг яхши амалиёт” ҳисоботларини тақдим этади.

Чора тадбирлар (санкциялар)

Ҳақиқий ёки мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви юз берган тақдирда, раҳбарият бир қатор санкцияларга эга бўлиб, улардан энг мосини танлайди. Вазиятга қараб қуйидаги санкциялардан бири танланиши мумкин:

- Давлат хизматчисидан манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган инвестициялар ёки манфаатларни бекор қилишни талаб қилиш;
- Давлат хизматчисидан инвестицияларни ёки улушларни сотиб олиш ёки сотишдан тийилишни талаб қилиш;
- Маълум бир муддатда ҳар қандай инвестиция операцияларини музлатиб қўйиш;
- Давлат хизматчисидан инвестицияларни бошқа шахсга топширишни талаб қилиш (сотиш учун эмас);

○ Манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган вазибаларни бошқа ходимга юклаш

Интизомий чоралар ҳар бир ҳолат бўйича тайинланади ва марказий ёки кўшимча идоравий декларация қоидаларига ёки инвестицияларни чеклашга риоя қилинмаган тақдирда кўриб чиқилиши мумкин. Давлат хизматининг 466-сонли регламенти декларацияни топширмаганлик учун интизомий жазо чораларини белгилаб беради.⁵¹

Гонконг (Хитой)нинг “Порахўрликни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида манфаатлар тўқнашуви қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жазолар назарда тутилган. Масалан, Қонуннинг 12-бўлимида 100000 Гонконг доллари миқдорида жарима, бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва давлат амалдори моддий манфаати миқдорида жарима кўзда тутилган. 4-бўлимида 500000 Гонконг доллари миқдорида жарима, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва агар пора эканлиги аниқланган тақдирда олинган моддий фойданинг ҳар қандай қисми тўлаш назарда тутилган. Агар давлат хизматчисининг ноқонуний бойлик орттириш ҳолати мавжуд бўлса (“Порахўрликни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунининг 10-бўлимида белгиланган), 500000 Гонконг доллари миқдорида жарима, етти йил озодликдан маҳрум қилиш ва ноқонуний орттирилган бойлик миқдорида жарима солинади.⁵²

Даромадлар ва мол-мулкларни декларация қилиш тизимининг ресурслари ва жараёнлари

Гонконг (Хитой) ўз давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини амалга ошириш воситалари – тизим бюджети, инсон ресурслари ва ижро этувчи салоҳияти аниқ қилиб белгиланган.

⁵¹ The Civil Service Regulations of Hong Kong SAR, China, s 461 to 466 on “Investments”

⁵² The Prevention of Bribery Ordinance of Hong Kong SAR, China, [электрон манба] https://www.elegislation.gov.hk/hk/cap201!en?xid=ID_1438402825079_002

Юқорида таъкидланганидек, Давлат хизматлари Бюроси даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини амалга оширига масъул бўлган давлат органи ҳисобланади. Давлат хизматлари бюроси Гонконг (Хитой) ҳукуматининг марказий маъмурий бошқарма сифатида Марказий Гонконг (Хитой) катта объектни ўз ичига олади. Давлат хизматлари бюросида тахминан 3 нафар ходим умумий даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизимининг самарадорлигини ҳамда ҳар бир агент (ташкilot)даги ҳар бир ходимнинг ахлоқи бўйича хатти-ҳаракатини назорат қилиш учун жавобгардир. Давлат хизматчилари даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни Давлат хизматлари Бюросига эмас, балки ўзлари ишлайдиган агентликдаги декларация бўлимларига топширади.

Объектлар ва технологиялардан фойдаланиш

Давлат хизматлари бюросига ва ҳар бир ахлоқ бўйича расмийга давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишни тушунтиришда фаол ёрдам берадиган Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ўзининг 700 млн Гонконг доллари қийматидаги замонавий маъмурий биносига эга. Барча ходимларга мўлжалланган хоналардан ташқари, ошхона, спорт зали, тергов изолятори ва сўроқ қилиш хоналари мавжуд. Тезкор бўлим бинонинг юқори қаватида жойлашган бўлиб, улар коррупцияни олдини олиш ва жамоатчилик билан алоқалар бўлимларидан алоҳида лифтлар ва қўшимча хавфсизлик эшиклари билан ажралиб туради. Коррупцияни олдини олиш Департаменти – Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадиган асосий бўлим бўлиб, махсус бюджет, офислар ва компьютерлар билан таъминланган.

Давлат хизматлари бюросида ахборот технологиялари бўйича даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини кузатадиган янги компьютер, дастурий таъминот ва техник билимларга эга мутахассисларнинг махсус таркиби мавжуд. Бироқ даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация қоғозли нусхада ҳар бир давлат идорасидаги мавжуд ахлоқ бўйича

расмий ходимга тақдим этилади, Давлат хизматлари бюросига эмас. Бундан ташқари, ахлоқ бўйича расмий ходимлар декларацияларни фақат потенциал ёки мавжуд манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун кўриб чиқади. Хозирга қадар декларацияларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда технологиялардан кам фойдаланилади.

Инсон ресурслари

Ходимлар давлат идоралари ва Давлат хизматлари Бюросининг шахсий таркибига давлат хизматининг меъёрий ҳужжатлари ва қонунларга мувофиқ танлов асосида қабул қилинади. Ахлоқ бўйича расмий ходимлар ўз идораларнинг ходимларининг декларацияларини қабул қилиш ва таҳлил қилиш бўйича қўшимча таълим олишади. Шунингдек, давлат хизмати қоидаларида барча ходимлар вақти-вақти билан иш фаолиятлари текшириб борилиши кўрсатилган. Коррупцияга қарши Мустақил Комиссияда агентликнинг маъмурий тузилишини акс эттирувчи ва унинг ходимлари учун уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйган лавозимларнинг батафсил тавсифларини берувчи ташкилий жадвал мавжуд.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг ваколатларга эга бўлган Коррупцияга қарши Мустақил Комиссияда тахминан 1400 нафар ходим ишлайди. Бу дунёдаги деярли барча шу каби коррупцияга қарши агентликлар орасида коррупцияга қарши курашувчи ходимлар сонининг аҳоли сонига нисбати мисли кўрилмаган даражада ортиқдир. Барча ходимлар ишга қабул қилиш бўйича кенг қамровли тренинглар, шунингдек, даврий текширувлар ва доимий машғулотлардан ўтадилар. Ишга қабул қилиш давлат хизматчиларини қабул қилиш стандартларига мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. Барча ходимлар камида тўрт йиллик олий маълумотга, шунингдек илмий даражаларга эга.

Бюджет

Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиясининг 2017-2018 йилдаги операцион бюджети 1074,2 млн Гонконг долларини (137,0 млн АҚШ доллари)

ташкил этган.⁵³ Бу Гонконг (Хитой)нинг давлат харажатларининг (491,4 млрд Гонконг доллари⁵⁴) 0,22 % ташкил этади. Дарҳақиқат ушбу молиялаштириш даражаси Гонконг (Хитой) бутун аҳолисининг жон бошига тахминан 143 Гонконг доллардан тўғри келмоқда. Бу рақамлар ҳукуматнинг коррупцияга қарши курашишга катта эътибор қаратганлигини кўриш мумкин. Бироқ Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиясининг вазифаси фақатгина давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишдан иборат эмас.

Тартибга солиш функцияси

Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия мустақил агентлик сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш, тергов қилиш ва коррупция билан боғлиқ барча жиноятлар судга бериш ҳуқуқига эга. Бироқ, Комиссия давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизимида Давлат хизматлари Бюроси билан ҳамкорликда ҳамда алоҳида агентликлар билан ҳар бир идора ходимлари учун манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқади. Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ва Давлат хизматлари Бюроси муайян минимал стандартларни ўрнатган бўлишига қарамай, ушбу ташкилотлар алоҳида равишда индивидуал тавсиялар ишлаб чиқишади.

Профилактика ва таълим

Коррупцияни олдини олиш Департаментининг асосий функцияларидан бири давлат хизматчиларининг инвестиция декларациясини тўлдиришда ёрдам берадиган кўрсатмаларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу манфаатлар тўқнашуви тушунчаси билан боғлиқ қийинчиликлар учун жуда муҳим бўлиб, декларантларга батафсил кўрсатмалар бериш, уларга декларация қилиниши лозим бўлган барча сармояларни аниқлашга имкон беради. Давлат хизматлари Бюроси ушбу йўриқномани ишлаб чиқиш учун Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва турли идорлар тажрибасини

⁵³ [https://en.wikipedia.org/wiki/Independent_Commission_Against_Corruption_\(Hong_Kong\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Independent_Commission_Against_Corruption_(Hong_Kong))

⁵⁴ <https://www.budget.gov.hk/2017/eng/budget23.html>

ўрганиш ва декларация қилиш тизимига ўзгартиришлар киритиш учун Комиссия ва бошқа идоралар ўртасида васитачи вазифасин бажаради. Шундай бўлсада, айрим идоралар ўзларида манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи мажбурий қоидаларни қабул қилиш учун жавобгардир.

Хулоса

Гонконгнинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг узок муддатли ва мувоффақиятли коррупцияга қарши ҳаракатларида ўз аксини топган. Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия ва Гонконг ҳукумати томондан коррупцияга қарши ўн йиллар давомида олиб борилган мақсадли ташаббуслари Давлат хизматлари Бюросининг № 2/2004 ва №8/2006 сонли кўрсатмаларида кўрсатилган давлат хизматида ахлоқий хулқ-атвори яхшилашга қаратилган даромадлар ва мол-мулк декларацияси тизимини шакллантирди. Шунинг учун мазкур тизим давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган.

Коррупцияга қарши Мустақил Комиссия расмийлари Гонконг (Хитой)нинг коррупцияга қарши курашда муваффақият қозонишига ҳисса қўшган учта хусусиятларнинг аҳамиятини таъкидлайдилар:

- Мустақил ва бузилмас суд
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил агентлик
- Эркин матбуот

Гонконг (Хитой) давлат хизматчиларининг даромадлар ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимининг асосий ютуқлари ва сабоқлари қуйидагилар:

Гонконг (Хитой) ўз даромадлари ва мол-мулкларни декларация қилиш тизимини амалга оширишда сезиларли ютуқларга эришган (масалан 100 фоизлик мувофиқлик билан). Барча декларациялар мол-мулк ёки даромадларнинг келиб чиқиш манбаси лавозим мажбуриятлари билан мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви йўқлигини аниқлаш учун таҳлил қилинади.

Бироқ, тизим мунтазам равишда топширилган декларацияларни маълумотларини тўғрилигини текширмайди. Умуман олганда, Гонконг (Хитой)нинг даромодлар ва мол-мулкларни декларация қилиш тизими манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи коррупцияга қарши курашиш воситаларидан биридир.

Гонконг (Хитой)нинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими фақатгина мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва аниқлашга қаратилганлиги сабабли, у Давлат хизматлари Бюроси, алоҳида идоралар ва алоҳида мурожаат этувчилар ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор беради. Давлат хизматчилари томонидан декларация қилинган молиявий ахволи тўғрисидаги маълумотлар уларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги айбловлардан озод қилиб, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликда Давлат хизматлари бюроси билан ҳамкорликни таъминлайди.

Агар декларацияни таҳлил қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви аниқланса, ахлоқ бўйича расмий ходим низо хусусиятига қараб тегишли чораларни кўришни тавсия қилади. Бу лавозимни алмаштиришдан озод қилишгача қадар, хатто вазият жинойий (коррупцион) ҳуқуқбузарликка айланиб кетса, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссияга мурожаат қилинишигача бориши мумкин.

Дарҳақиқат, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими давлат хизматчиларини химоя қилиш учун мўлжалланган тизим бўлсада, Гонконг (Хитой) нинг коррупцияга қарши курашиш тизимининг бир қисми ҳисобланади. Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг коррупцияга қарши курашишда уч томонлама ёндашуви Давлат хизматлари Бюроси томонидан бошқариладиган манфаатлар тўқнашуви дастурини ишлаб чиқишига шароит яратган. Хусусан, Коррупцияга қарши Мустақил Комиссиянинг коррупцияга қарши курашишдаги мувоффақияти ўз ичига – *профилактика, таълим ва қонун*

устуворлиги каби учта тенг ва мустаҳкамловчи элементларга таянишидан келиб чиқади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмини жорий этиш истикболлари

Ҳар бир давлат давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими орқали коррупцияга қарши курашишдаги муаммоларни ҳал қилишни мақсад қилганда, ушбу давлатга хос муаммоларни аниқлаб олиши зарур. Давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулкни декларация қилишнинг янги тизимини жорий этиш ёки мавжуд тизимни ўзгартиришдан олдин муайян мақсадларни аниқлашга қаратилган умумий ва чуқур муҳокамаларни ўтказиши лозим. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг **ҳуқуқий механизми** – бу пировард мақсадга, яъни самарали декларациялаш тизимини ташкил этишга эришиш учун ҳуқуқий воситалар мажмуидир.

Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагиларда кўриниши мумкин:

- яширадиган ҳеч нарсаси йўқлигини намоён этиш учун сиёсатчилари ва давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш орқали фуқароларнинг давлат хизматчиларига бўлган ишончни ва шаффофликни ошириш;

- давлат идоралари раҳбарларига ўз ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва юзага келган вазиятларни ҳал қилишда ўз муассасалари ходимларининг “ҳалоллиги”ни таъминлашга ёрдам бериш;

- сиёсатчилар ва давлат хизматчиларининг ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишини олдини олиш ва ноҳақ айбловларидан бошқаларни ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг моддий аҳволини кузатиб бориш, шунингдек, қўшимча маълумотларни олиш орқали уларнинг ноқонуний бойиши ва бошқа ноқонуний ҳаракатларини аниқлаш;

Давлат хизматчиларининг даромадлари мол-мулкни декларация қилиш тизимини жорий қилишда мавжуд муаммолар ва имкониятларни, жумладан мазкур жараёнга иштирок этувчи шахслар (масъул раҳбарлар, ҳалол давлат хизматчилари, фаол оммавий ахборот воситалари) га бўлган ишонч, амалдаги меъерий ҳуқуқий базани (солиқ йиғиш ва мулкни руйхатга олиш тизими, бошқа давлат реестрлари, амалдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш қонунчилиқ базаси), шунингдек, чекловчи омиллар (давлат маблағларининг етишмаслиги, коррупцияга қарши сиёсий иродани етишмаслиги ва давлат хизматидаги интизомнинг ёмонлиги)ни таҳлил қилиш зарур. Бундан ташқари декларация тизимини яратиш учун ҳуқуқий, молиявий, кадрлар ва бошқа имкониятлар контекстида оптимал функционал асосни аниқлаб олиш зарур.

Даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тартиби асосий давлат хизматчиларидан ўз мол-мулки, даромадлари, мажбуриятлари ва фоизалари тўғрисидаги аниқ маълумотларни мунтазам равишда ошкор қилишни талаб қилади. Коррупцияга қарши восита сифатида самарали фойдаланиш учун Даромад ва мол-мулкни декларацияни текшириш мустақил давлат органи томонидан амалга оширилиши керак.

Текшириш тизими декларацияларни вақт бўйича таққослаш ёки солиқ маълумотлари ва кўчмас мулк регистрлари каби бошқа маълумотлар билан таққослаш орқали манфаатлар тўқнашуви ва ноқонуний бойиш ҳолатларини аниқлашга имкон бериши лозим.

Бундан ташқари давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларациясини оммавий равишда ошкор қилиш фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларига жараённи кузатиб бориш ва тарғиб қилиш ҳамда ижро этилишини қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тартиби кўплаб мамлакатларда шаффофлик ва ҳалолликни ошириш ҳамда фуқароларнинг давлат бошқаравига бўлган ишончини ошириш учун жорий қилинган. Одатда даромадлар ва мол-мулкни декларация қилиш давлат амалдорлари ва ҳукумат аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ёки сиёсатчилар ва давлат хизматчиларининг бойлик ўзгаришини кузатиб, ноқонуний бойиш ва бошқа коррупциявий ҳуқуқбузарликни аниқлашга қаратилган.⁵⁵

Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этишда фақатгина халқаро ҳужжатлар ёки бошқа давлатлар тажрибасига таяниб қолмасдан, балким миллий қонунчилик, олиб борилаётган ислоҳотлар ва сиёсий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **10 та** масалаларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, қайси меъёрий ҳуқуқий базани танлаш керак?

Юқорида келтирилганидек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг ягона ҳаммага мос келадиган қонун ҳужжати мавжуд эмас. Фикримизча, мамлакатлар ўзларининг ҳуқуқий анъаналари ва ўтмишдаги тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларда декларациялашни акс эттиришган. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш ҳақидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжат миллий шароитдан келиб чиққан ҳолда турли қонун ҳужжатларида, масалан, “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунда⁵⁶, Ахлоқ қоидалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида⁵⁷, Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича қонун ҳужжатларида⁵⁸, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун

⁵⁵ U4 Expert Answers, Maíra Martini, Asset declaration regimes in selected Asian countries [электрон манба] <https://www.u4.no/publications/asset-declaration-regimes-in-selected-asian-countries.pdf>

⁵⁶ Гватемалада The Law on Probity and Responsibilities of Public Officials, Индонезияда Law No. 8/1974 on the Ordinance on Civil Service, Японияда The National Public Service Act, Исроилда The Public Service Law, Данияда Civil Servants Law,

⁵⁷ Аргентинада Public Ethics Law No. 25.188, Жанубий Кореяда the Public Service Ethics Act,

⁵⁸ Хорватияда The Act on the Prevention of Conflict of Interest in the Exercise of Public Office, Грузияда Закон О несовместимости интересов и коррупции в публичном учреждении

хужжатларда⁵⁹ ва бошқа қонун ҳужжатлари ва идоравий ҳужжатларда акс этган. Шунингдек айнан “Даромадлар ва мол-мулк декларацияси тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари⁶⁰ ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатни қабул қилишда ҳуқуқ тизимини ҳисоб олган ҳолда ушбу тизимни тартибга солувчи алоҳида “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол мулкни декларация қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонун қабул қилишда 3 та муҳим жиҳатга эътибор бериш лозим:

1) Қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ва декларация бўйича ижобий фикрларни олиш;

2) Қонун давлат хизматчиларининг шахсий ҳаёт ҳуқуқларини чеклаши мумкин;

3) Декларациялаш тизимининг жорий этишда кенгроқ қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш (масалан, “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашувчи тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш, бир қанча қонун ҳужжатлари ЖК, МЖтК, СК ва бошқаларга ўзгартиришлар киритиш);

Иккинчидан, барча давлат хизматчилари учун ягона қонун ҳужжатими ёки турли тоифалар учун ҳар хил меъёрларми? Дарҳақиқат ягона декларация қонунчилиги ҳокимиятнинг барча тармоқлари – ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти, шунингдек, барча тоифадаги давлат хизматчилари учун қабул қилиш мақсадга мувофиқми ёки турли

⁵⁹ Монголияда The Anti-Corruption Law of 2006, Словенияда The Integrity and Prevention of Corruption Act of 2010, Украинада Закон О предотвращении коррупции (Ведомости Верховной Рады (ВВР), 2014, N 49, ст.2056), Беларусда Закон РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ 15 июля 2015 г. № 305-3 О борьбе с коррупцией, Сербияда The Law on the Anti-Corruption Agency, Македонияда The Law on the Prevention of Corruption, Қозоғистонда Закон О противодействии коррупции, Эстонияда Закон о борьбе с коррупцией, Тайланда The Organic Act on Counter Corruption В.Е. 2542

⁶⁰ Иорданияда Income and Asset Disclosure Law No. 54 of 2006, Италияда the Legislative Decree no. 33/2013 and the Legislative Decree no. 97, Албанияда LAW No. 9049, dated 10 April 2003 on the Declaration and audit of assets, financial obligations of elected persons and certain public officials, и Қирғизистонда Закон О декларировании доходов, расходов, обязательств и имущества лиц, замещающих или занимающих государственные и муниципальные должности,

тоифадаги давлат хизматчилари учун алоҳида меъёрлар қабул қилиш самаралироқми деган савол юзага келади.

Турли хил тоифадаги давлат хизматчилари бир биридан фарқ қилиши, ҳар хил масъулият ва ваколат даражасида фаолият юритиши ва манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга киришиш учун турли хил салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда давлатлар турли хил тоифадаги ва мансабдор шахслар учун дарамодларни ва мол-мулкни декларация қилишнинг ихтисослаштирилган қонунларни кўриб чиқиши лозимлиги тавсия қилинган.⁶¹

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари коррупцияга қарши тармоғининг Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислохотларнинг Истанбул ҳаракатлар режаси 4-босқич мониторингининг 5-янги тавсиясида “Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мансабдор шахслари (шу жумладан, сиёсий мансабдор шахслар, судьялар прокуратура органлари) томонидан мол-мулк, даромадлар, мажбуриялар, ҳаражатлар ва манфаатларни декларация қилишнинг ягона тизимини яратиш...” келтирилган.⁶² Шунга кўра, барча давлат хизматчилари учун ягона бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозим бўлади.

Учинчидан, қайси орган декларация тизими учун масъул бўлиши лозим? Юқорида таъкидланганидек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг институционал тузилмалари қонунчилик шаклига кўра турли бўлиши мумкин:

- ◆ Парламент аъзоларининг жамовий назоратини таъминлаш бўйича *доимий парламент комиссиялари*;
- ◆ Судьяларнинг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш учун суд тизимидаги *махсус орган*;

⁶¹ Борьба против коррупции в Восточной Европе и Центральной Азии: Декларации активов для государственных служащих инструмент для предотвращения коррупции стр. 16 [электрон манба] <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/48973261.pdf>

⁶² Антикоррупционные реформы в УЗБЕКИСТАНЕ 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией [электрон манба] https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

- ◆ Ҳар бир давлат идораси тизимидаги *ички инспекциялари*;
- ◆ *Ихтисослашган ва ваколатли мустақил орган*;

Коррупцияга қарши курашишда молиявий назорат чораларини амалга оширишда мансабдор шахсларнинг ҳисобдорлик принципи ва давлат идоралари раҳбарлари етарли даражада “ҳалоллик”ка эришган давлатларда давлат хизматчиларининг даромадлар ва мол-мулк декларация қилиш тизимини ҳар бир давлат идораси ички қоидаларга асосан жорий қилиши мумкин. Бироқ декларация қилиш тизими жорий қилинмаган давлатларда махсус ваколатли орган томонидан давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда махсус ваколатли органнинг тўлиқ мустақиллиги ва ижро ҳокимиятидан холи бўлмоғи лозим.

ЕХТТнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган органлари бўйича ўтказилган тадқиқотида таъкидланганидек, “барча сайланган, юқори лавозимдаги мансабдор шахслар, шу жумладан ҳукумат, парламент аъзолари, судьялар, прокурорлар ва бошқа давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишга ва манфаатлар тўқнашувига масъул бўлган орган ҳукумат таркибида бўлмаслиги лозим, чунки бу ҳукуматнинг бўлиниш принципнинг бузилишига олиб келади”⁶³

Шунингдек, махсус ваколатли орган мансабдор шахсларнинг молиявий ҳолатларини назорат қилиш, активларни қайтариш (Asset Recovery) ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда солиқ, молиявий назорат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

⁶³ Klemenčič, G., Stusek, J., Gaika, I. (2007). *Specialised Anti-Corruption Institutions. Review of Models*. OECD Anti-Corruption Network for Eastern Europe and Central Asia. pp.18-19, [электрон манба] <https://www.oecd.org/dataoecd/7/4/39971975.pdf>.

ПФ 6013-сонли фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган. Мазкур фармон билан Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллари билан биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Шунингдек фармонда Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўғрисидаги декларация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.⁶⁴

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлигини декларацияни тизими учун масъул орган деб ҳисоблашни ҳамда декларациялашни ҳар бир давлат ташкилоти тизимида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахс (таркибий бўлинма) билан бирга амалга ошириш зарур.

Тўртинчидан, қандай тоифадаги давлат хизматчилари даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларация топшириш шарт? Давлат хизматчиларининг қайси тоифалари даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация топшириш лозимлиги ҳақида ягона стандарт мавжуд эмас. Декларация топшириши шарт бўлган давлат хизматчилари доирасини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- Мансабдор шахсларнинг даражаси ва лавозим мажбуриятларига қараб ёндашув, яъни юқори даражадаги давлат хизматчиларига нисбатан юқори талаб, ўрта ёки қуйи даражадаги давлат хизматчилари учун пастроқ талаб;

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 6013-сонли фармони. [электрон манба] <https://lex.uz/docs/4875784>

- Даромадларни ва мол-мулкни декларация қилиш мажбурияти давлат хизматчисининг расмий мансаб даражасига эмас, балки мансабдор шахсларнинг қарорлар қабул қилиш даражаси, бошқарув ваколатлари, манфаатлар тўқнашуви ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ бўлиши керак;

- Коррупцияга мойил мансабдор шахслар ноқонуний орттирган бойликларини яқин қариндошлари ва бошқаларнинг номига расмийлаштиришини инобатга олган ҳолда, нафақат давлат хизматчиси балким, унинг яқин қариндошлари ва бошқа шахсларнинг ҳам молиявий аҳволини назорат қилиш имкони бўлиши;

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишда, улар ҳақидаги шахсий маълумотларни омма эътиборига ошқор қилишда шахсий ҳуқуқлари бузилмаслиги чораларини кўриш керак.

regulation.gov.uz норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган *“О поэтапном введении системы декларирования имущества, доходов и расходов отдельных категорий государственных служащих и созданию необходимой технической инфраструктуры”* Президент қарор лойиҳасида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш қамрови 3 босқичда амалга оширилиши кўрсатилган.⁶⁵

Бизнинг фикримизча, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш қамровини ваколатли орган Коррупцияга қарши куришиш Агентлигидаги кадрлар ресурси (Агентликда мавжуд бошқармада 5 нафар ходим ишлайди), техник таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда 2 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи босқичда юқори даражадаги амалдорлар (Президент, Сенат раиси, Спикер, Бош вазир, унинг ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, вилоят

⁶⁵[электрон манба] <https://regulation.gov.uz/uz/d/8647>

даражасидаги раҳбарлар ва бошқалар), иккинчи босқичда қолган барча давлат хизматчилари декларация топширишлари керак.

Бешинчидан, қандай молиявий маълумотлар декларация қилиниши шарт? Декларация қилинадиган маълумотларнинг кўлами декларация қилишнинг мақсадига боғлиқ. Агар декларация қилишнинг мақсади манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўладиган бўлса, унда даромадлар, мол-мулклар эмас, балки лавозим мажбуриятларининг бажарилишига таъсир қилувчи манфаатлар (акциялар, улушлари, шерикчиликдаги бизнеси ва х.к) декларация қилиш муҳимроқ бўлади. Шунингдек, агар декларация қилишнинг мақсади давлат хизматчисининг молиявий аҳволини кузатиб бориш бўлганда, асосий урғи давлат хизматчисининг даромадлари, мол-мулки, ҳаражатлари ва бошқаларнинг декларация қилинишига эътибор берилади.

Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишни жорий этишда эътиборни давлат хизматчисининг молиявий аҳволини кузатиш ҳамда шу билан бирга манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратиш муҳимдир.

Декларацияда қуйидагилар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ:

- барча кўчмас ва кўчар мулклари;
- номоддий активлари;
- даромадлари (иш ҳақи, ўриндошликдаги даромадлари, дивентлар, улушлардаги даромадлари, банк фоизлари ва бошқалар);
- барча инвестициялари (қимматли қоғозлар, пай ва улушлар);
- Ўзбекистон ва чет эл банклардаги пул маблағлари;
- мажбуриятлари, йиллик ҳаражатлар;
- қимматбаҳо буюмлар ва совғалар;
- уй хўжалигидаги жонзотлар (қора мол, қўй-эчки, туя, от ва бошқалар);
- ва бошқалар;

Олтинчидан, декларацияларни йиғиш тартиби ва муддатлари.

Декларацияларни топшириш муддатини белгилашда кўплаб омилларни

ҳисобга олиш зарур, хусусан, декларациянинг мақсади, мавжуд манбалар, мансабдор шахсларнинг қамрови, давлат хизматчиларидан декларация учун маълумотларни олиш муддатлари ва бошқалар. Умуман олганда, декларациядаги маълумотлар иложи борича тез-тез янгиланиб туриши керак, шунда маълумотлар декларация тизимининг белгиланган мақсадини руёбга чиқаришда аҳамиятини йўқотмайди.

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишнинг муддатларини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

а) давлат хизматчисининг лавозимга тайинлангандан кейин бир ой муддатда – тайинланишидан олдинги йил учун даромадлари, мол-мулки, мажбуриятлари тўғрисидаги декларация;

б) ҳар йили белгиланган муддатда – давлат хизматчисининг бир йиллик даромадлари, мол-мулки, ҳаражатлари, мажбуриятлари ва бошқалар

в) давлат хизматчиси лавозимдан озод қилинган вақтда – бир ой муддатда, лавозимдан озод қилинган кундаги даромадлари, мол-мулки, мажбуриятлари ва бошқалар;

г) давлат хизматчисининг лавозидан озод қилинган кундан бир йилдан сўнг даромадлари, мол-мулки, ҳаражатлари ва бошқалар тўғрисида декларация топшириши шарт.

Декларация топшириши лозим бўлган давлат хизматчиларининг кўплиги ҳамда бугунги кундаги интернетдан фойдаланишнинг кўпайганлиги ҳисобга олган ҳолда, декларацияларни топшириш ва расмийлаштиришни имкон қадар максимал даражада электрон тарзда амалга ошириш зарур. Ушбу амалиётнинг афзаллиги шундаки, биринчи навбатда маълумотларни қайта ишлаш осон бўлса, иккинчи навбатда декларацияни топшириш муддатларини қисқартиради, учинчидан декларациядаги маълумотларни омма эътиборига ҳавола этишда жараён енгил бўлади.

Шунга кўра, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Коррупция

қарши курашиш Агентлигининг вебсайтида алоҳида декларацияларни руйхатга олиш ва қайта ишловчи платформа ўрнатиш керак бўлади.

Еттинчидан, декларацияларни текширишни амалга ошириш.

Давлат хизматчилари томонидан топширилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни текшириш тизимнинг мақсади эмас, балки принципиал хусусиятларидан биридир. Агар давлат хизматчилари томонидан топширилган декларациялар текширишдан ўтказилмаса, амалдорлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг аҳамияти қолмайди.

Текшириш тартиби давлат хизматчилари томонидан топширилган декларациядаги маълумотлар бошқа реестрлар билан – кадастрдаги руйхат, транспорт воситалари руйхати, тижоратдаги улушлар, банкдаги маълумотлар ва бошқа руйхатлар билан солиштириб кўрилади.

Текшириш учун номзодларни танлаш. Аксарият ҳоллада декларация тизими жуда кўп декларантларни қамрам оладики, барча декларацияларни текширишнинг имкони бўлмайди. Шу сабабли текширишда номзодларни танлаб олиш зарур. Бундай танловлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- эгаллаб турган лавозими туфайли текшириш. Яъни маълум юқори лавозимни эгаллаб турган давлат хизматчилари томонидан топширилган декларацияларни текшириш. Бунда асосан юқори лавозимни эгаллаган мансабдор шахслар бўлиб, нисбатан уларнинг сони камчиликни ташкил этади. Бундай текшириш асосий урғу лавозимга қаратилади, коррупцион хатарларга эмас.

- декларацияларни автоматлаштирилган таҳлилини ўтказиш, шу жумаладан декларация маълумотларини бошқа маълумотлар базалари ва давлат органлари реестрлари маълумотлари билан таққослаш орқали қонунбузарликларни юқори хавфини аниқлаш;

- тасодифий танлов асосида текшириш. Бундай ҳолатда тақдим этилган декларацияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб олдиндан белгиланган маълум бир миқдори текширилади. Ушбу ёндашув текшириш

эҳтимолини барча давлат хизматчилари ўртасида тенг тақсимлайди ва профилактик таъсир кўрсатади.

▪ хатарга асосланган текшириш. Бу принцида текширилиши лозим бўлган декларациялар автоматик равишда эмас, балки коррупцион хатарларни таҳлил қилиш орқали танлаб олинади. Текширилаётган декларациялар сони ўзгариб туриши мумкин. Агар коррупцион хатарларни таҳлили тўғри баҳоланган бўлса, текшириш юқори самара беради.

▪ декларациядаги маълумотларга боғлиқ ҳолда коррупцион хатарларга асосланган текшириш, яъни моддий аҳволнинг сезиларли даражада ошиши, декларацияда кўрсатилган даромадлар ва мол-мулк ўртасида кескин тафовут мавжудлиги ёки лавозимга боғлиқ бўлмаган фаолиятдаги манфаатларни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув аввалгиси ухшайди, бироқ бунда декларациядаги маълумотлар асосида хатар баҳоланади.

▪ декларацияда келиб чиқиш манбаси номаълум бўлган маълумотлар ёки шубҳали бузилишлар бўлганда ёхуд ваколатли орган томонидан хабарнома ёки талабнома берилганда ўтказиладиган текшириш. Ушбу вариантда декларациялар қарама-қаршиликлар, масалан ўта ҳашаматли ҳаёт тарзи, бошқача тарзда топилган мол-мулкларнинг мавжуд бўлиши тўғрисида хабарлар келиб тушиши текширишга асос бўлиши мумкин. Бундай текшириш ижобий натижалар беради.

▪ фуқаролар ёки жамоатчилик назоратидан хабарнома ёки шикоят келиб тушганда текшириш. Бу ёндашув аввалгиси ўхшашдир. Фуқаролар ёки жамоатчилик назоратидан давлат хизматчисининг даромадлари ёки мол-мулкани коррупциявий ҳаракатлар натижасида топганлиги ҳақидаги маълумотлари ёки шикоятлари мавжуд бўлган тақдирда текшириш ўтказилади.

Текшириш усуллари. Декларацияларни текшириш мақсади ва кўламига қараб турли хил бўлади.

1) Базавий текшириш декларацияни тўлдиришнинг тўғрилигини ва хатолар мавжудлигини аниқлашни ўз ичига олади, яъни нотўғри маълумотлар киритилганлиги ёки маълумотлар етишмаслиги.

2) Оддий текшириш. Бундай текшириш асосан декларациянинг ўзи билан чекланиб, декларация қилинган мол-мулк даромадларга мутаносиб эканлиги ёки декларация қилинган маълумотлар манфаатлар тўқнашуви кўрсатадими йўқми шу ҳолатлар текширилади.

3) Тўлиқ текширувдан ўтказиш. Бу авваламбор, декларацияда келтирилган маълумотларни бошқа регистрлар, давлат кадастр хизматидаги руйхат, транспорт воситалари руйхати, банкдаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар билан таққослаш орқали ўтказилади. Шунингдек, декларация топширувчи давлат хизматчисининг декларацияда кўрсатилган турар жойларда яшаши, транспорт воситаларни бошқариши, турмуш тарзи солиштирилиши мумкин. Бундай текшириш вақтида текширувчи давлат хизматчисидан тушунтириш ва бошқа далилларни сўраши мумкин.

Саккизинчидан, декларация топширишдаги ҳуқуқий жазо чоралари. Ҳуқуқий жазо чоралари даромадларни ва мол-мулкни декларация қилиш тизимида зарурий элемент ҳисобланмасада, интизомий мувофиқликни таъминловчи воситалардан биридир. Декларация топшириш қоидаларига риоя қилмаслик, ўз вақтида топширмаслик ёки тўлиқ бермаслик маъмурий ва интизомий жазо чораларини келтириб чиқаради. Декларацияда келтирилган маълумотлар текшириш натижасида катта фарқ қилиши, ноқонуний бойиш, манфаатлар тўқнашуви ортидан коррупциявий вазиятлар юзага келиши каби ҳолатларда жиноий жазо чоралари кўрилиши мумкин.

Сайланадиган лавозимни эгаллаган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш жиддий масала ҳисобланади. Чунки сайланадиган мансабдор шахслар алоҳида мақомда эканлиги туфайли ҳуқуқий жазо чоралари қўлланилмаслиги мумкин. Бироқ сайланадиган мансабдор шахсларга нисбатан самарали ҳуқуқий жазо чораларини қўлланиши уларнинг

конундан устун эмаслигини ҳамда сайловчиларга кейинги сайловларда қарор қабул қилишида ёрдам беради.

Шунингдек, давлат хизматчиларига нисбатан декларация топшириш билан боғлиқ жазо чораларини омма эътиборига ҳавола қилиш ҳам ижобий натижа беради.

Тўққизинчидан, декларацияда келтирилган маълумотларни омма эътиборига ҳавола қилиш. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизимининг муҳим элементларидан бири декларацияда кўрсатилган маълумотларни ошкор қилишдир. Бу халқнинг давлатга бўлган ишончини ошишига ва давлат хизматчиларининг ҳисобдорлигини шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, эълон қилинган маълумотларнинг тўғрилиги кенг жамоатчилик томонидан назорат қилишини, тергов органлари томонидан юзага келган жиноятларни аниқлаш учун ҳам фойдаланилиши керак.

Декларацияда келтирилган маълумотларни ошкор қилишда, давлат хизматчисининг шахсий маълумотлари, яшаш манзиллари, идентификацион рақамлари махфийлиги таъминланиши зарур. Бундан ташқари декларацияда келтирилган маълумотлар ваколатли орган томонидан тақдим этилганда далил деб эътироф этилиши лозим.

Ўнинчидан, тақдим этилган декларацияларни сақлаш.

Давлат хизматчилари томонидан тақдим этилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларациялар маълум муддат сақланиб туриши керак. Одатда давлат хизматида фаолиятни олиб бориш ҳамда солиққа тортиш нуқтаи-назаридан декларациялар 5-10 йил архивда сақланади. Бу турли давлатларда турлича белгиланган.⁶⁶ Ўзбекистонда ҳам жорий қилинадиган давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишда уларнинг сақлаш муддатлари 15 йил қилиб белгилаб, сақлаш жойи

⁶⁶ Литвада 10 йилдан 99 йилгача, Қозоғистонда 5 йил, Албанияда 10 йил, Косово ва Словенияда 15 йил, Латвияда 50 йил, Беларус ва Грузияда 75 йил.

Агентликнинг декларация топшириладиган электрон платформа этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг самарали механизмни жорий этишда аввало ҳуқуқий асос қабул қилиниши керак. Юқорида таъкидланганидек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш ҳар бир давлатда норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли фармонида давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма – босқич жорий этиш, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган.⁶⁷ Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 6013-сонли фармонида “Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.⁶⁸ Шунга кўра, аввало “Давлат хизмат тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш лозим. Шунингдек, юқорида келтирилган тартиб тамойиллар асосида “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5729-сонли фармони [электрон манба] <https://lex.uz/docs/4355387>

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 6013-сонли фармони. [электрон манба] <https://lex.uz/docs/4875784>

3.2 Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилишнинг назорат тизими ва жавобгарлик масалалари

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг **назорат тизими** – декларацияларни ўз вақтида топширилиши, маълумотларни тўғрилиги, маълумотларни текшириш, таҳлил қилиш, жазо чоралари белгилашни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда жорий қилинадиган давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг назорат тизимини марказлашган тарзда Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ҳамда давлат идоралари таркибидаги давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабор шахс (таркибий бўлинма) томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра, Агентлик давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияларни назорат қилиш соҳасида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ваколатларни бериш таклиф этилади:

- давлат органлари ва ташкилотларнинг реестрларига, маълумотлар базаларига, бошқа ахборот тизимларига тўсиқсиз ва берул кириш ҳуқуқига эга бўлиши;
- декларация субъектларининг банк ҳисобварақлари мавжудлиги ва улар бўйича операциялар тўғрисида ёзма сўров бўйича банк муассасаларидан маълумотларни олиш;
- хорижий давлатларнинг давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларига маълумотлар олиш учун сўровномалар юбориш;
- декларация объектларининг қийматини экспертизадан ўтказишни (баҳолаш) ташкил этиш;
- декларация субъектларидан декларация тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳамда декларациядаги маълумотлар бўйича ноаниқликлар юзасидан тушунтиришлар олиш ва бошқалар.

Агентлик декларация субъектларини турмуш тарзини, ўзи ва оила аъзоларининг мол-мулки ва даромадлари тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг бир бирига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида танланган кузатувни амалга ошириши лозим.

Декларация субъектларини турмуш тарзини мониторинг қилиш – Агентлик томонидан амалга оширилиб, жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва бошқа очик ахборот манбаларидан олинган уларнинг турмуш даражаси ва эълон қилинган мол-мулк ва даромадлари ўртасидаги тафовут тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Декларация субъектларини турмуш тарзини кузатиб бориш Агентлик томонидан белгиланиши шарт.

Бундан ташқари, фикримизча давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилинишини бевосита шу давлат хизматчиси фаолият олиб борадиган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан ҳам назорат олиб борилиши самарали бўлади.

Шундан келиб чиқиб, давлат органларининг ва ташкилотларининг раҳбарлари давлат хизматчиларнинг даромадларини ва мол-мулкини декларация қилиш доирасида қуйидаги мажбуриятларни бажариши керак:

- Декларация қилиш бўйича назорат чораларнинг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш;
- уч иш кунида декларация қилиш бўйича қонун талаблари бузилганлиги ҳақида хабар бериш;
- давлат хизматчилари декларация қилиш талаблари бузилган тақдирда, расмий текширув ўтказиш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Шунингдек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабор шахс (таркибий бўлинма) назорат қилишда қуйидаги ваколатларни амалга ошириши мумкин:

1) декларация қилиш бўйича ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни ўрганиш;

2) декларация қилиш бўйича шикоят ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқиш;

3) декларация субъектларидан аниқланган номувофиқликлар бўйича тушунтириш ва ҳужжатлар талаб қилиш

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш мажбуриятини бажармасликдаги ҳуқуқбузарликларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа ҳуқуқбузарлик бу – декларация топширишдаги мажбуриятларни бажармаслик бўлса, иккинчи тоифа – декларацияда кўрсатилиши лозим маълумотларни кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармасликдир.

Биринчи тоифадаги ҳуқуқбузарликлар:

- даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни топширмаслик;

- даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни топшириш муддатларни бузиш.

Иккинчи тоифадаги ҳуқуқбузарликлар:

- декларацияда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларни тўлиқ кўрсатмаслик;

- декларацияда билмаган ҳолда нотўғри маълумотларни тақдим этиш;

- декларацияда қасддан нотўғри маълумотларни тақдим этиш.

Мазкур ҳуқуқбузарликлар давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими мавжуд бўлган деярли барча давлатларда учрайди. Жахон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, “тадқиқотда иштирок этган мамлакатларнинг (74 та) 60-90 фоизида декларация топшириш бўйича жавобгарлик мавжуд.

Декларацияларни топширмаслик даромаларни ва мол-мулкни декларация қилиш тизими мавжуд давлатларинг 80 фоизида жавобгарликка тортилади ва нотўғри маълумотларни тақдим қилиш 65-75 фоизида жазоланади”.⁶⁹

Юқоридаги ҳуқуқбузарликлар учун турли хил жазо чоралари хусусан, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик чоралари кўрилиши мумкин. Бу декларация топширишда содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, оқибатларининг кўламига қараб белгиланиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда қасдан нотўғри маълумотлар киритганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, АҚШда қонун бўйича декларация қилиниши лозим бўлган ҳар қандай маълумотлар била туриб ва қасдан қалбакилаштирган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланган.⁷⁰ Фикримизча, Ўзбекистонда жорий қилинадиган давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишда мансабдор шахслар томонидан жуда кўп миқдорда қасдан нотўғри маълумотларни бериш жиноий жавобгарлик келтириб чиқаришини белгиланган лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда қасдан нотўғри маълумотлар киритиш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи қўйидагича янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“209¹-модда. Декларацияда нотўғри маълумотларни кўрсатиш

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда тақдим этишга мажбур бўлган маълумотларни қасдан жуда кўп миқдорда нотўғри тақдим этса...”

Маъмурий жавобгарлик. Декларация тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликнинг кенг тарқалган жазо чораси маъмурий жавобгарликдир. Маъмурий жазо чоралари деярли барча

⁶⁹ Burdescu, R., G.J. Reid, S. Gilman and S. Trapnell (2009), Stolen Asset Recovery – Income and Asset Declarations: Tools and Trade-offs, The World Bank, the United Nations Office of Drugs and Crime. p 38.

⁷⁰ The Ethics in Government Act, Section 104(a)(2).

давлатлардаги давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизимларида мавжуд бўлиб, декларация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари назарда тутилган. Одатда декларацияларни топширмаслик, топшириш муддатларини бузиш, маълумотларни нотўғри кўрсатиш ёки кўрсатмаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини декларацияларни топшириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва нотўғри маълумот бериш учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“174²-модда. Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш қоидаларини бузиш”

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда нотўғри маълумотларни тақдим этиш...”

Интизомий жавобгарлик. Интизомий жазо чоралари одатда давлат хизматида ишлайдиган амалдорларга нисбатан қўлланилиб, сайланадиган ҳамда сиёсий мансабдор шахсларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Интизомий жазо чоралари давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шунингдек, давлат идораларининг ички тартиб қоидалари билан ҳам тартибга солишиниши мумкин. Давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулк декларациясини топшириш билан боғлиқ мажбуриятларни бузилган тақдирда меҳнат қонунчилигида назарда тутилган интизомий жазолар (хайфсан, жарима ва ишдан бўшатиш)⁷¹ қўлланилади.

Интизомий жазо чораси давлат хизматчиси ишлайдиган давлат идораси, орган ва бошқа муассаса раҳбарияти томонидан декларация топшириш билан боғлиқ мажбуриятлар барилмаган тақдирда қўлланилади. Давлат хизматчисига нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси унга

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, 181-модда [электрон манба]
<https://lex.uz/docs/142859>

нисбатан маъмурий ёки жиной жавобгарлик қўллашни истисно қилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, БМТнинг “Коррупцияга қарши Конвенция” снинг 20-модда “Ноқонуний бойлик орттириш” да “Ҳар бир иштирокчи давлат, ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилган ҳолда, ноқонуний тарзда бойлик орттилишини, яъни оммавий мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берила олмайдиган даражада ошиб кетишини, қачонки улар қасддан содир этилганда, буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади”⁷², шунингдек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизимлари коррупцияга қарши курашишда самарали йўлган қўйилган давлатлар, масалан Гонконг махсус маъмурий ҳудуд (Хитой) коррупцияга қарши қонун ҳужжатида “The Prevention of Bribery Ordinance of Hong Kong SAR, China – 10. Possession of unexplained property” - 10-моддаси “Тушунтирилмаган мулкка эгалик қилиш” мавжуд.⁷³

Шу боисдан коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида давлат хизматчилари ноқонуний бойлик орттириши, яъни давлат хизматчисининг турмуш даражаси у фаолият олиб бораётган хизмати натижасида оладиган даромадларига мос келмаслиги, унинг пул маблағлари ёки мол-мулки ёхуд ҳаражатлари хизмат давридаги ёки хизмат давридан олдинги даромадларига мутаносиб бўлмаслиги, башарти ушбу вазиятда асослантирилган тушунтириш ва далилларни мавжуд бўлмаганлиги учун жиной жавобгарлик белгиланиши лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ноқонуний

⁷² Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [электрон манба] URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

⁷³ The Prevention of Bribery Ordinance of Hong Kong SAR, China, // [электрон манба] URL: https://www.elegislation.gov.hk/hk/cap201!en?xpid=ID_1438402825079_002

бойлик орттириш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи қуйидагича янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“243¹-модда. Ноқонуний бойлик орттириш

Ноқонуний бойлик орттириш, яъни давлат хизматчисининг мол-мулки ёки пул маблағлари ёхуд харажатлари у томонидан тақдим этилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларациядаги даромадларидан ортиб кетиши, башарти асосли тушунтиришлар бўлмаса...”

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг назорати ва жавобгарлик масаласи мазкур тизимнинг асосий элементларидан биридир. Шу сабабли давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияларда мавжуд маълумотлар ўрганиш, улар ўртасидаги номувофиқликларни аниқлаш, бошқа маълумотлар базалари билан таққослаш назорат қилиш ва жавобгарлик масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, декларация тартибларига риоя қилмаслик учун жавобгарликнинг ўрнатилиши давлат хизматчисининг хушёрлиги ва масъулиятини оширади.

ХУЛОСА

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш истиқболларига оид тадқиқот иши якунида қуйидаги илмий-назарий хулосалар ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни келтириш мумкин:

I. Илмий-назарий хулосалар

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш коррупцияга қарши курашишда муҳим восита бўлиши мумкин. Самарали ташкил қилинган декларациялаш давлат хизматчиларининг молиявий аҳволини кузатиб бориш, уларнинг даромадлари, ҳаражатлари ва мол-мулки ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, ноқонуний бойиш ва бошқа коррупцион ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва аниқлаш имконини беради. Декларация қилишда 3 та асосий мақсад мавжуд:

1) манфаатлар тўқнашувини бошқариш. Давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларининг декларация қилиниши уларнинг келгусидаги хизмат фаолияти билан ҳақиқий ёки эҳтимолий манфаатларининг тўқнашувини олдини олиш ва бошқарилиши мумкин.

2) давлат сектори шаффофлиги ва ҳисобдорлиги. Декларация қилиш манфаатлар тўқнашувини олдини олиш билан бир қаторда, давлат хизматчиларининг фаолиятидаги шаффофлик, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги, ишонч ва касбий одоб-ахлоқни шакллантиради. Яъни давлат хизматчиларининг сўровларга жавоб бериш мажбуриятлари кенгайган сари уларга тегишли бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқи кенгайиб боради. Агар жамоатчиликка мансабдор шахсларнинг декларациясида акс эттирилган маълумотларни олишга имкон берилса бу уларнинг ҳисобдорлигини ҳамда давлат секторидаги шаффофликни оширади.

3) даромад ва молиявий аҳволини қонунийлигини текшириш. Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва молиявий аҳволини текширилиб туриши уларнинг келгусида коррупцион ҳатти – ҳаракатлардан тийилишига олиб келади. Чунки даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги

декларация қилишнинг пайдо бўлишига биринчи туртки бўлган сабаблардан бири бу албатта давлат хизматчиларининг молиявий аҳволини кузатиб бориш бўлган. Бу орқали давлат хизматчисининг келиб чиқиш манбаси асосланмаган мол-мулкларини – ноқонуний бойиш ҳолатларини аниқлаш мумкин бўлади.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1. Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилишда аввало ҳуқуқий базани шакллантириш лозим. Хусусан, “Давлат хизмати тўғрисида” ги Қонуни, “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тўғрисида”ги Қонун⁷⁴, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун, Давлат хизматчиларининг ахлоқ Кодекси қабул қилиниши таклиф этилди.

2. Коррупцияга қарши курашишда молиявий назорат чораларини амалга оширишда мансабдор шахсларнинг ҳисобдорлик принципи ва давлат идоралари раҳбарлари етарли даражада “ҳалоллик”ка эришган давлатларда давлат хизматчиларининг даромадлар ва мол-мулк декларация қилиш тизимини ҳар бир давлат идораси ички қоидаларга асосан жорий қилиши мумкин. Бироқ декларация қилиш тизими жорий қилинмаган давлатларда махсус ваколатли орган томонидан давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда махсус ваколатли органнинг тўлиқ мустақиллиги ва ижро ҳокимиятидан холи бўлмоғи лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлигини декларацияни тизими учун масъул орган деб ҳисоблашни ҳамда давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар тизимида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабор шахс (таркибий бўлинма) билан бирга амалга ошириш зарур.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг

⁷⁴ Қонун лойиҳаси 1-иловада

“5-модда. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ҳисобланади.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар тизимида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабор шахс (таркибий бўлинма) ҳам амалга оширади.”

3. 15-модда. Декларацияни текшириш учун асослар:

-Агентлик томонидан белгиланадиган коррупция хавфи юқори бўлган юқори лавозимдаги мансабдор шахс ёки декларация субъеклари руйхати;

-декларацияларни автоматлаштирилган таҳлилни ўтказиш, шу жумладан декларация маълумотларини бошқа маълумотлар базалари ва давлат органлари реестрлари маълумотлари билан таққослаш орқали қонунбузарликларни юқори хавфини аниқлаш;

-давлат органларини билдиришномалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслардан эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақидаги хабарлар (жумладан аноним) шаклида ташқи сигналлар;

-текшириш учун бошқа асослар бўлмаган ҳолатда тасодифийлик асосида автоматик равишда танлаш

4. Ўзбекистонда жорий қилинадиган давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилишда мансабдор шахслар томонидан жуда кўп миқдорда қасддан нотўғри маълумотларни бериш жиноий жавобгарлик келтириб чиқаришини белгилаш лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда қасддан нотўғри

маълумотлар киритиш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи куйидагича янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“209¹-модда. Декларацияда нотўғри маълумотларни кўрсатиш

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда тақдим этишга мажбур бўлган маълумотларни қасддан жуда кўп миқдорда нотўғри тақдим этса...”

5. Декларацияларни топширмаслик, топшириш муддатларини бузиш, маълумотларни нотўғри кўрсатиш ёки кўрсатмаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини декларацияларни топшириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва нотўғри маълумот бериш учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“174²-модда. Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш қоидаларини бузиш”

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда нотўғри маълумотларни тақдим этиш...”

5. Коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида давлат хизматчилари ноқонуний бойлик орттириши, яъни давлат хизматчисининг турмуш даражаси у фаолият олиб бораётган хизмати натижасида оладиган даромадларига мос келмаслиги, унинг пул маблағлари ёки мол-мулки ёхуд ҳаражатлари хизмат давридаги ёки хизмат давридан олдинги даромадларига мутаносиб бўлмаслиги, башарти ушбу вазиятда асослантирилган тушунтириш ва далилларни мавжуд бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ноқонуний бойлик орттириш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи куйидагича янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

“243¹-модда. Ноқонуний бойлик орттириш

Ноқонуний бойлик орттириш, яъни давлат хизматчисининг мол-мулки ёки пул маблағлари ёхуд харажатлари у томонидан тақдим этилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларациядаги даромадларидан ортиб кетиши, башарти асосли тушунтиришлар бўлмаса...”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/acts/111460>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2752-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПФ-6013-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4875784>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4761-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4875782>

II. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тавсиялар

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [электрон манба] URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

2. United Nations (UN) (2006), Legislative Guide for the Implementation of the United Nations Convention Against Corruption // [электрон манба] URL: http://www.unodc.org/pdf/corruption/CoC_LegislativeGuide.pdf.

3. UN (2009), Technical Guide to the United Nations Convention against Corruption, accessed 30 June 2010. [электрон манба] URL: http://www.unodc.org/documents/corruption/Technical_Guide_UNCAC.pdf

4. Inter-American Convention Against Corruption // [электрон манба] URL: https://www.oas.org/juridico_english/Treaties/b-58.html.

5. African Union Convention on Preventing and Combating Corruption [электрон манба] URL <https://au.int/en/treaties/african-union-convention-preventing-and-combating-corruption>

6. Recommendation Nr. R (2000) 10 of the Committee of Ministers to Member states on codes of conduct for public officials [электрон манба] URL <https://rm.coe.int/16806cc1ec>

7. Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

8. Стамбульский план действий по борьбе с коррупцией третий раунд мониторинга Узбекистан промежуточный доклад // [Электронный ресурс].

URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-Progress-Update-2018-RUS.pdf>

III. Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари:

1. Colombia's Constitution of 1991 with Amendments through 2005 // [электрон манба] URL: https://www.constituteproject.org/constitution/Colombia_2005.pdf
2. Закон О предотвращении коррупции (Ведомости Верховной Рады), 2014,) // [электрон манба] URL: <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/ru/1700-18?lang=ru#Text>
3. Закон РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ 15 июля 2015 г. № 305-З О борьбе с коррупцией, // [электрон манба] URL: https://pravo.by/upload/docs/op/H11500305_1437598800.pdf
4. Закон «О статусе судей в Российской Федерации» с поправками, принятыми в декабре 2008 года // [электрон манба] URL: <http://docs.cntd.ru/document/9004453>
5. LAW Nr. 9049, dated 10 April 2003 ON THE DECLARATION AND AUDIT OF ASSETS, FINANCIAL OBLIGATIONS OF ELECTED PERSONS AND CERTAIN PUBLIC OFFICIALS (ALBANIA) // [электрон манба] URL: <http://www.ildkpkj.al/legjislacioni-en/?lang=en>
6. О противодействии коррупции Закон Республики Казахстан от 18 ноября 2015 года № 410-V ЗРК // [электрон манба] URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1500000410>
7. Закон Грузии О несовместимости интересов и коррупции в публичном учреждении. // [электрон манба] URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/33550?publication=77>
8. THEMATIC COMPILATION OF RELEVANT INFORMATION SUBMITTED BY PORTUGAL ARTICLE 8, PARAGRAPH 5 UN CAC/ ASSET AND INTEREST DISCLOSURE SYSTEMS PORTUGAL (NINTH SESSION) // [электрон манба] URL: https://www.unodc.org/documents/corruption/WG-Prevention/Art_8_Financial_disclosure_declaration_of_assets/Portugal.pdf

9. Act no. 2013-907 of 11 October 2013 on transparency in public life, 2013, consolidated 2016 (French), // [электрон манба] URL: https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/France/4.%20Law%20on%20Transparency%20in%20Public%20Life%20of%202013_FRA,%20consolidated,%20last%20amended%202020.pdf

10. Integrity and Prevention of Corruption Act of 2010_SLO, consolidated, last amended 2020 (Slovenia) // [электрон манба] URL: https://europam.eu/data/mechanisms/FD/FD%20Laws/Slovenia/1.%20Integrity%20and%20Prevention%20of%20Corruption%20Act%20of%202010_SLO,%20consolidated,%20last%20amended%202020.pdf

11. CIVIL SERVICE CODE of the Government of the Hong Kong Special Administrative Region. // [электрон манба] URL: https://www.csb.gov.hk/english/admin/conduct/files/CSCode_e.pdf,

12. DECLARATION OF INVESTMENTS BY CIVIL SERVANTS, (Hong Kong Special Administrative Region) // [электрон манба] URL: <https://www.csb.gov.hk/english/admin/retirement/files/GF389Ire.pdf>,

13. The Prevention of Bribery Ordinance of Hong Kong SAR, China, // [электрон манба] URL: https://www.elegislation.gov.hk/hk/cap201!en?xpid=ID_1438402825079_002

14. Anti-Corruption Act of 2012 (ESTONIA) // [электрон манба] URL: https://publicofficialsfinancialdisclosure.worldbank.org/sites/fdl/files/assets/law-library-files/estonia_anti_corruption_act_2012_en.pdf

15. Закон Кыргызской Республики О декларировании доходов, расходов, обязательств и имущества лиц, замещающих или занимающих государственные и муниципальные должности. // [электрон манба] URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111671>

16. Chile_Law No. 20.088 Establishing an Obligation for Authorities Exercising Public Functions // [электрон манба] URL: https://www.right2info.org/resources/publications/asset-declarations/chile_law-

[no.-20.088-establishing-an-obligation-for-authorities-exercising-public-functions/view](#)

IV. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

1. Б.И.Исмоилов, Б.И.Исмаилов “Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш” ўқув қўлланмаси, 2019 йил.

2. Дорогова Ю.А., Лоткова Е.Г. ДЕКЛАРИРОВАНИЕ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ КАК ИНСТРУМЕНТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ // [электрон манба] URL: <http://www.natural-sciences.ru/ru/article/view?id=30008>

3. U4 Issue, By Richard Messick - Income and Assets Declarations: Issues to Consider in Developing a Disclosure Regime // [электрон манба] URL: <https://www.u4.no/publications/income-and-assets-declarations-issues-to-consider-in-developing-a-disclosure-regime>

4. Dr. Tilman Hoppe LL.M. Anti-Corruption Expert. ReSPA: Comparative study Income and asset declarations in practice // [электрон манба] URL: <https://www.respaweb.eu/download/doc/Comparative+study+Income+and+asset+declarations+in+practice+-+web.pdf/485ce800f0a3f55719e51002d0f75b5e.pdf>

5. U4 Expert answer Maíra Martini, Asset declaration regimes in selected Asian countries // [электрон манба] URL: <https://www.u4.no/publications/asset-declaration-regimes-in-selected-asian-countries>

6. Lucas Amin and José María Marín, RECOMMENDATIONS ON ASSET AND INTEREST DECLARATIONS FOR OGP ACTION PLANS // [электрон манба] URL: <https://www.transparency.org/en/publications/recommendations-on-asset-and-interest-declarations-for-ogp-action-plans>

7. “StAR” - Stolen Asset Recovery Initiative: Ruxandra Burdescu, Gary J. Reid Stuart Gilman Stephanie Trapnell, INCOME AND ASSET DECLARATIONS: TOOLS AND TRADE-OFFS (2009) // [электрон манба] URL: https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/StAR/StAR_Publication_-_Income_and_Asset_Declarations.pdf

8. “StAR” - Stolen Asset Recovery Initiative: Public Office, Private Interests: Accountability through Income and Asset Disclosure (2012) // [электрон манба] URL: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/6010>

9. “StAR” - Stolen Asset Recovery Initiative: Income and Asset Disclosure: Case Study Illustrations (2013) // [электрон манба] URL: <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/13835/774620PUB0EPI00LIC00PUB0DATE0503013.pdf?sequence=1>

10. Восточное партнерство - Проект механизма Совета Европы "Надлежащее государственное управления и противодействие коррупции" - Практическое пособие по обработке и анализу деклараций об имуществе и доходах публичных должностных лиц // [электрон манба] URL: http://tilman-hoppe.de/CoE_Practitioner_manual_on_analysing_declarations-RU.pdf

11. OECD: Asset Declarations for Public Officials: A TOOL TO PREVENT CORRUPTION: 2011 // [электрон манба] URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/assetdeclarationsforpublicofficialsatooltopreventcorruption.htm>

12. OECD: Managing Conflict of Interest in the Public Service OECD GUIDELINES AND COUNTRY EXPERIENCES 2003, // [электрон манба] URL: <https://www.oecd.org/gov/ethics/48994419.pdf>

13. Edward Dua Agyeman FIGHTING CORRUPTION IN THE PUBLIC SECTOR OF GHANA: THE ROLE OF ASSETS DECLARATION // URL: https://media.africaportal.org/documents/Fighting_Corruption_in_the_public_Sector_of_Ghana_18-5-17.pdf

14. Matthew Jenkins: Topic Guide Income and Asset Disclosure // [электрон манба] URL: https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/kproducts/Topic_Guide_Income_and_Asset_Disclosure.pdf

15. Shamshun Baharin bin Mohd Jamil, Asset Declaration In Malaysia // [электрон манба] URL: <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/WorkingGroups/workinggrou>

[p4/2018-September-6-](#)

[7/Presentations/ShamshunBaharinbinMohdJamilMalaysia.pdf](#)

16. Thu Trang Ngo, Masters Dissertation in Public Administration POAD 9050: Asset Declaration System in Vietnam: Lessons for other countries // [электрон манба] URL: https://flex.flinders.edu.au/file/77612b00-9b78-4501-951d-bc78915c76d2/1/Thu%20Trang%20Ngo_Semeter2Year2019_Dissertation_POAD_9050.pdf

17. Anechiarico, F. and J.B. Jacobs (1996), The Pursuit of Absolute Integrity: How Corruption Control Makes Government Ineffective, University of Chicago Press. // [электрон манба] URL: http://www.academia.edu/32436250/The_Pursuit_of_Absolute_Integrity_How_Corruption_Control_Makes_Government_Ineffective

18. Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова –Давлат хизмати, ўқув қўлланма. 2015 йил

19. Matthew Stephenson Guest Post: The Ukrainian Constitutional Court’s Invalidation of Anticorruption Laws Has Plunged the Country into a Double Crisis // [электрон манба] URL: <https://globalanticorruptionblog.com/tag/asset-and-income-disclosure/>

V. Интернет ресурслари

1. <https://lex.uz>
2. <https://www.transparency.org>
3. <https://www.u4.no>
4. <https://www.unodc.org>
5. <https://europam.eu/?module=legislation>
6. <https://www.oecd.org>
7. <https://www.worldbank.org/>

Иловалар

1-жадвал. Ўтиш даври иқтисодиёти бўлган давлатлар ва бошқа танланган давлатларнинг ҳукумат амалдорлари учун декларация тизимини жорий этиш йиллари

т/р	Қабул қилинган йиллар	Давлатлар
1	1974 й	Буюк Британия
2	1978 й	АҚШ
3	1982 й	Испания, Италия
4	1992 й	Словения
5	1993 й	Белорусия, Украина
6	1994 й	Латвия
7	1995 й	Албания, Эстония
8	1996 й	Қозоғистон, Руминия
9	1998 й	Грузия, Литва
10	2000 й	Болгария
11	2001 й	Босния ва Герцеговина
12	2002 й	Македония
13	2003 й	Хорватия
14	2004 й	Қирғизистон, Черногория
15	2005 й	Азербайжон, Косово
16	2006 й	Тожикистон

**2-жадвал. Давлат хизматчилари томонидан активларни
декларациялаш тизимларини амалга ошириш учун маъсул бўлган
муассаса турлари**

Давлатлар	Муассаса тури	Номланиши
Албания	-Декларация ва аудит бўйича ихтисослашган орган (барча ҳокимият тармоқлари учун)	-Активларни декларациялаш ва аудит бўйича юқори Инспекция
Озарбайжон	-Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган орган -Парламент аъзолари учун ваколатли муассаса -Муассаса раҳбарлари томонидан тайинланадиган ваколатли органлар	-Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссия -Парламент аъзолари учун парламент томонидан тайинланадиган орган -Давлат органлари раҳбарияти томонидан ташкил этилган молиявий (ҳисоб) органи
Белорусия	-Солиқ органлари ва махсус тайинланган мансабдор шахслар/ давлат идоралари таркибидаги бўлинмалар	-Солиқ ва йиғимлар Вазирлиги -Давлат идораларинг кадрлар билан ишлаш бўлимлари -юқори турувчи орган раҳбарлари
Босния ва Герцеговина	-Сайлов Комиссияси (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Марказий сайлов Комиссияси
Болгария	- Миллий тафтиш органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	- Миллий тафтиш бюросининг давлат руйхатидан ўтказиш бўлими
Хорватия	-Манфаатлар тўқнашувини назорат қилиш бўйича ихтисослашган (ярим парламент) орган -прокурорлар ва судьялар учун махсус процедуралар	-Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш Комиссияси (давлат амалдорлари учун) -Прокуратура ва давлат прокурорлари учун Адлия вазирлиги -Судьялар учун Адлия вазирлиги
Эстония	-Парламент органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун) ва давлат идораларида махсус тайинланган мансабдор шахслар ва бўлинмалар	-Парламент қўмитаси -муассаса раҳбари ёки ваколатли орган (масалан маҳаллий ҳокимият) томонидан тайинланган декларациялар учун депозитарий
Грузия	-Давлат хизмати органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун) -Солиқ органи	-Давлат хизмати Бюросининг Департаменти -Молия вазирлигининг даромадлар хизмати
Қозғистон	-Солиқ органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Молия вазирлигининг Солиқ қўмитаси
Косово	-Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган орган (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси

Қирғисизтон	-Давлат хизмати органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Давлат хизмати ишлар бошқармаси
Латвия	-Солиқ органлари ва коррупцияга қарши ихтисослашган орган (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Давлат солиқ хизмати Департаменти -Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш Бюроси
Литва	-Солиқ органлари, ахлоқ бўйича ихтисослаштирилган Агентлик ва давлат идораларида махсус тайинланган мансабдор шахслар/ бўлимлар	-Давлат солиқ Инспекцияси -Ахлоқ бўйича Бош Комиссия -Барча давлат идораларида махсус мансабдор шахслар ёки бўлимлар
Македония	-Коррупцияга қарши ихтисослашган орган ва солиқ органлари (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Коррупцияни олдини олиш бўйича давлат Комиссияси -Давлат солиқ бошқармаси
Чернагория	-Манфаатлар тўқнашувини назорат қилувчи махсус орган (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича Комиссия
Руминия	-Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган орган (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун)	-Хизмат ахлоқ қоидалари бўйича миллий Агентлик
Тожикистон	-Давлат хизматига маъсул бўлган орган ва солиқ органи (ҳокимиятнинг барча тармоқлари учун) -давлат идоралари мансабдор шахслар/бўлимлар	-Республика Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати бўйича Кенгаши Департаменти -Солиқ қўмитаси Департаменти -Давлат муассасаларининг кадрлар билан ишлаш бўлимлари
Украина	-Давлат идораларидаги мансабдор шахслар/бўлимлар	-Давлат муассасаларининг кадрлар билан ишлаш бўлимлари
Ўзбекистон*	-Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва давлат идоралари мансабдор шахслар/бўлимлар	- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги -давлат идоралари мансабдор шахслар/бўлимлар

*изоҳ: “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси

**3-жадвал. Словенияда даромадлар ва мол-мулкларни декларация
қилиши лозим бўлган мансабдор шахслар**

<i>Функция бажарувчилар</i>	<i>Катта давлат хизматчилари</i>	<i>менежерлар</i>
<p>Миллий Ассамблея аъзолари, Миллий Кенгаш аъзолари, Республика Президенти, Бош вазир, Вазирлар, Давлат котиблари, Конституциявий суд аъзолари, Давлат прокурорлари, Европа Парламенти аъзолари, Словения Банки рахбари, Бошқа давлат органлари, маҳаллий хокимият органлари, Словения Банки ва Европа парламентидаги бошқа давлат хизматчилари</p>	<p>Бош директорлар, Вазирликларнинг бош котиблари, Вазирлик департаменти рахбарлари, Давлат идоралари рахбарлари, Маъмурий бўлинмалар рахбарлари, Муниципаллар директорлариёки котиблари</p>	<p>Давлат агентликлари менежерлари, Жамоат фондари менежерлари, Давлат институтлари менежерлари, Давлат тижорат муассасалари менежерлари, Давлат бюджети томони- дан молиялаштириладиган давлат бошқа субъектлари менежерлари, Маҳаллий хокимият органлари, давлат коммунал хизматларни кўрсатадиган корхоналар ва давлат ёки маҳаллий хокимиятларнинг фоиз улуши бўлган корхона менежерлари</p>

**4-жадвал. Даромадлар ва мол-мулк декларациясининг мазмуни.
(Словения)**

	Декларация талаби	Оммавий ошкор қилиш
<i>Шахсий маълумотлар</i>		
Исм, фамилия, отасининг исми	+	+
Идентификация рақами	+	
Солиқ регистрация рақами	+	
<i>Лавозими</i>		
Иш жойи ҳақида маълумот	+	+
Ишга киришдан олдинги иш жойи	+	
Бошқа функция ёки вазифалари	+	
<i>Шахсий бизнес манфаатлари</i>		
Мулкчилик	+	+
Компания ёки хусусий муассасадаги акциялар ва бошқарув ҳуқуқлари, компания ёки ташкилот номи	+	+
Билвосита эгалик ҳуқуқига эга бўлган акциялар ва бошқарув ҳуқуқлари	+	+
<i>Даромадлар ва нақд пул</i>		
Солиқ солинадиган йиллик даромад	+	+
Шахсий ҳисобварағининг умумий қиймати 10000 евродан ошадиган қўлдаги, банкдаги, омонат кассадаги ёки кредит хизматларидаги нақд пули	+	+
Умумий қиймати 10000 евродан ошадиган қимматли қоғозлар турлари ва қиймати	+	+
<i>Мажбуриятлар</i>		
Қиймати 10000 евродан ошадиган қарзлар, мажбуриятлар ва кредитлар	+	+
<i>Мол-мулк</i>		
Кўчмас мулк, (ер реестри билан)	+	+
Қиймати 10000 евродан ошадиган мулк	+	+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ
ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан _____ йил _____ да қабул қилинган
Сенат томонидан _____ йил _____ да маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади давлат хизматчилари томонидан даромадлар ва мол-мулк декларация қилишни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат хизматчисининг даромадлари ва мол-мулки декларацияси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат хизматчисининг даромадлари ва мол-мулки декларацияси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида давлат хизматчисининг даромадлари ва мол-мулки декларацияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат хизматчиси – давлат ёки унинг идораларининг ҳар қандай мансабдор шахси ёки ходими, шу жумладан давлат номидан ёки унинг иерархиясининг исталган даражасида фаолият ёки функцияларини бажариш учун танланган, тайинган ёки сайланган шахс.

Декларация субъектлари (декларантлар) – ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган даромадлар ва мол-мулк декларацияси топшириши мажбурий бўлган шахслар.

оила аъзолари – турмуш ўртоғи, вояга етмаган ёки қарамоғидаги фарзандлари, хомийлиги ёки васийлигида бўлган шахслар.

4-модда. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишнинг мақсади

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилишдан мақсад қуйидагилар:

қонуний даромад манбалари билан изоҳлаб бўлмайдиган мол-мулкка эга бўлиш каби коррупция ва ноқонуний бойлик орттиришни олдини олиш учун давлат хизматчиларининг молиявий ҳолатини назорат қилиш;

давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари ва тадбиркорлик фаолияти, совга, давлат хизматидан кетганидан кейинги фаолияти ва бошқа коррупцияга қарши талабларни бирлаштирган чекловлар ва тақиқларни белгилайдиган қонун бузилишларни аниқлаш ва олдини олиш;

давлат хизматининг шаффофлиги, ҳалоллиги ва ҳисобдорлигини ошириш, аҳолининг унга бўлган ишончини шакллантириш;

5-модда. Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ҳисобланади.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар тизимида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабор шахс (таркибий бўлинма) ҳам амалга оширади.

6-модда. Ушбу Қонунга биноан декларация топшириши мажбурий бўлган субъектлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти;
2. Ўзбекистон Республикаси Сенати раиси ва Олий Мажлис-speкири;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари;
4. Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва ўринбосарлари, республика аҳамиятидаги давлат ташкилотлари раҳбарлари ва ўринбосарлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Бош вазир маслаҳатчилари ва ўринбосарлари;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари;
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ва аъзолари;
8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси, ўринбосарлари ва бошқа масъул ходимлари;
9. Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, халқ депутатлари кенгашлари депутатлари;
10. Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси ва аъзолари, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати таркибий бўлинма раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес масъул ходимлари;
11. Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман ва шаҳар хокимлари, ўринбосарлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ва вилоят, туман ва шаҳар хокимликлари масъул ходимлари;
12. давлат бошқарув органлари, ҳудудий бошқарма ва бўлимларнинг масъул ходимлари;
13. судьялар, Ўзбекистон Республикаси судьялар Олий кенгаши аъзолари;
14. суд аппарати, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши, Ўзбекистон Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар Олий мактаби директори ва ўринбосарлари;
15. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги директори ва ўринбосарлари, масъул ходимлари;
16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, ўринбосарлари вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман, шаҳар прокурорлари,

махсус унвонга эга прокуратура органлари (Мажбурий ижро бюроси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти) ходимлари;

17. Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Миллий гвардия қўмондони, Президент хавфсизлиги хизмати раиси, ўринбосарлари, ҳудудий бошқарма бошлиқлари ва ўринбосарлари, барча масъул ходимлари;

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ва ўринбосарлари, ҳудудий бош бошқармалар раҳбари ва ўринбосарлари, масъул ходимлари, Марказий банк бўйсунувидаги ташкилотлар раҳбари ва ўринбосарлари;

19. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчилари ва дипломатик ваколатхоналари масъул ходимлари;

20. Ижтимоий соҳа ва давлат таълим муассасаси раҳбарлари ва ўринбосарлари

21. Университет ва институт ректорлари, проректор, декан ва декан ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари;

22. Устав фондида давлат улиши камида 50 фоизни ташкил қилувчи корхоналар, тижорат ташкилотлари раҳбарлари ва бошқарув органи аъзолари, ўринбосарлар ва филиал раҳбарлари;

23. юқори даражадаги коррупция хатари мавжуд функцияларни бажарадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқа шахслар – уларнинг руйхати Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) томонидан юритилади.

Давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг ёрдамчи (техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимлари декларация субъекти ҳисобланмайди.

Тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолиятини бевосита амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда давлат сирига эга бўлган давлат хизматчилари (мудофаа, ДХХ ва бошқа орган) ёки шундай лавозимларда муқаддам (декларация топшириш санасигача 3 йил олдин) ишлаган декларация субъектлари даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация топшириш махфий тартибда ташкил этилади. Мазкур тартиб Агентлик томонидан тегишли органларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ушбу қонуннинг давлат хизматчиларнинг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш талаби давлат хизматчисининг оила аъзоларига ҳам тегишли.

2-боб. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни топшириш тартиби

7-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация турлари ва топшириш муддатлари

Ушбу Қонун доирасида декларация субъектлари даромадлар ва мол-мулки бўйича қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

1) давлат хизматига ишга қабул қилингандаги декларация (лавозимга тайинланган ёки сайланган вақтдаги) – ишга қабул қилинган кундан бошлаб 30 календар кун ичида тақдим этилади. Декларацияда декларация субъекти ва оила аъзоларининг бир йиллик даромадлари, ишга қабул қилинган кундаги мол-мулки ва мулкий манфаатлари кўрсатилади.

2) йиллик декларация – ҳар йили 1 апрел кунига қадар декларация субъекти ва оила аъзолари томонидан ўтган календар йил учун даромадлар, ҳаражатлар ва 31 декабрь ҳолатидаги мол-мулк ва мулкий манфаатлар кўрсатилган ҳолда топширилади.

3) Лавозимдан озод қилингандаги декларация – лавозимдан озод қилинган кундан бошлаб 30 календар кун ичида тақдим этилади. Лавозимдан озод қилингандан кейин ўтган календар йил учун даромадлар ва ҳаражатлар, лавозимдан озод қилинган кундаги мол-мулк ва мулкый манфаатлар декларация субъекти ва оила аъзоларнинг томонидан тақдим этилади.

Ушбу қонунга мувофиқ давлат хизматчиси бошқа давлат хизматига ишга ўтган тақдирда ушбу декларацияни топширмайди.

4) Лавозимдан озод қилингандан бир йилдан сўнг топшириладиган декларация – давлат хизматчиси лавозимдан озод қилинганидан кейинги бир йил учун даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация топшириши шарт.

8-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни топшириш шакли ва тартиби

Даромадлар ва мол-мулк декларацияси топшириш электрон шаклда Агентликнинг веб-сайти орқали электрон шаклни тўлдириш орқали амалга оширилади. Декларациянинг намунавий шакли ва уни тўлдириш тартиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

Даромадлар ва мол-мулк декларацияси декларант томонидан электрон имзо билан тасдиқланади.

Декларация субъекти ушбу қонун бўйича декларация тақдим қилиш юзасидан муаммо ва таклифлар бўйича Агентликка электрон ёки телефон орқали мурожаат қилиш мумкин.

9-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда кўрсатиладиган маълумотлар

Декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

1) Декларация субъектининг шахсига оид маълумотлар – исми, фамилияси ва отасининг исми, туғилган куни, фуқаролик паспорти серияси ва рақами (ID карта рақами), солиқ идентификация рақами, яшаш манзили, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ва электрон почта манзили;

2) ўриндошлик ёки қўшимча фаолият (илмий иш, ўқитувчилик, ижодий фаолият, тиббий фаолият, спорт мусобақаларида ҳақимлик иши ва бошқалар) турлари;

3) Декларация субъектининг яқин қариндошларининг шахсига оид маълумотлар – исми, фамилияси ва отасининг исми, туғилган куни, фуқаролик паспорти серияси ва рақами (ID карта рақами), солиқ идентификация рақами, яшаш манзили, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ва электрон почта манзили;

4) Ўзбекистонда ва чет элда жойлашган кўчмас мулклар – жойлашган манзили, рўйхатга олиш рақами, қиймати, сотиб олиш санаси, сотиб олишда сарфланган маблағлар манбаи;

5) Ўзбекистонда ва чет элдаги шахсий мулклар (транспорт воситалари, хайвонлар ва бошқа қимматбаҳо мулклар) – уларнинг тури, товар белгиси, модели, ишлаб чиқарилган йили, идентификация рақамлари, рўйхатга олиш маълумотлари, сотиб олиш санаси, сотиб олишда сарфланган маблағлар манбаи;

6) Номоддий мол-мулклар, жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгиси, патент ва бошқалар;

7) Ўзбекистонда ва чет элда муомалада бўлган барча турдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексил ва бошқалар) – уларнинг турлари, рўйхатга олиш рақамлари, қиймати, сотиб олиш санаси ва сотиб олишда сарфланган маблағлар манбаи;

8) декларант ва яқин қариндошларининг Ўзбекистонда ва чет элдаги корхона, компания ва бошқа тижорат ташкилотлардаги шахсий ва корпоратив бошқарув ҳуқуқлари (улуш, пай ва х.к) – ҳуқуқларни сотиб олиш сана, сотиб олишда сарфланган маблағлар манбаи;

9) директорлар кенгаши, маъмурий ва кузатув кенгашлари, маслаҳат кенгашлари ва бошқа ҳар қандай коллегиял кенгашларида иштирок этиш ҳақидаги маълумотлар;

10) банкларда ёки бошқа молия муассасаларидаги миллий ёки хорижий ҳисобварақлардаги қолдиқлар ҳамда миллий ва хорижий валютадаги нақд пуллар маблағлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошганда (банк ва бошқа молия муассасалари номлари кўрсатилиши лозим);

11) ипотека ва оддий кредитлар, қарзлар ва бошқа мажбуриятлар;

12) доимий иш жойи, ўриндошлик ва қўшимча фаолиятдан олинган иш ҳақи ва бошқа кўринишдаги йиллик даромад;

13) пенсия ва ижтимоий таъминот соҳасидаги йиллик даромадлар;

14) бошқа барча даромадлар – мол-мулк сотишдан, мол-мулк ижарасидан, фоизлар, дивидентлар, ёрдамчи хўжаликдан олинган даромадлар, ҳадя ва мерос кўринишидаги даромадлар ва бошқа даромадлар (Солиқ кодексининг 369-370 моддаларида кўрсатилган даромадлар);

15) декларация субъекти манфаати учун учинчи шахс томонидан сақланадиган мол-мулк, қимматли қоғозлар – учинчи шахснинг шахсига оид маълумотлар, мол-мулкни сотиб олинган сана, сотиб олиш қиймати ва ушбу мол-мулклардан декларантга қилинган ҳар қандай даромад ёки тўловлар;

16) совғалар, моддий ва номоддий нафлар (қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошганда);

17) декларация субъекти ва оила аъзоларининг товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар сотиб олишдаги ҳаражатлари (қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошганда).

Ушбу модданинг 1-қисми 4-5-бандларида кўрсатилган мол-мулкларнинг нархи бозор баҳосида кўрсатилиши лозим.

Декларацияда кўрсатилган барча қийматлар Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмда кўрсатилади. Чет эл валютасидаги пул маблағлари декларация тўлдириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳисобга олинади.

10-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маълумотларни нашр этиш

Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маълумотлар Агентликнинг веб-сайтида онлайн тарзда жойлаштириш орқали очик эълон қилинади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

1) шахсга оид маълумотлар – паспорт серияси ва рақами, ID карта рақами), солиқ идентификация рақами;

2) туғилган кун санаси;

3) яшаш манзили;

4) кўчмас мулкнинг тўлиқ манзили (бунда кўчмас мулк жойлашган аҳоли пункти кўрсатилади);

5) банк ҳисоб рақами;

Ушбу модда даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация махфий расмийлаштирилган давлат хизматчиларига тадбиқ этилмайди.

Омма эътиборига ҳавола қилинган декларациядаги маълумотлардан тижорат, кредитга лаёқатлилик, хомийликка жалб қилиш ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланиш таъқиқланади. Ҳар қандай таъқиқланган мақсадларда фойдаланиш жавобгарлик келтириб чиқаради.

11-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияга тузатиш киритиш

Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларация электрон тарзда топширилганидан сўнг декларант томонидан 15 календар кун давомида тузатишлар киритилиши мумкин. Декларацияда маълумотлар тўлиқ ёки нотўғри киритиш қасддан содир этилмаган бўлса, декларация субъекти жавобгарликдан озод қилинади.

Декларация субъекти томонидан белгиланган 15 календар куни давомида тузатишлар киритилмаса, декларант Агентликка топширилган декларацияга тузатиш киритиш бўйича илтимоснома билан мурожаат қилади. Агентлик томонидан декларацияда нотўғри маълумотлар киртилганлиги аниқланса, декларант тузатиш киритилган заҳира декларацияни тўлдириш шарт.

Дастлабки ва тузатиш киритилган декларациялар алоҳида реестрларда электрон ҳужжатлар сифатида сақланади.

3-боб. Декларацияларни тақдим этишни назорат қилиш ва текшириш ҳамда жавобгарлик масалалари

12-модда. Давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ушбу қонун талабларини бажариш доирасидаги мажбуриятлари

Давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ушбу қонун талабларини бажариш доирасида қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- 1) ушбу қонун талабларига риоя қилиш бўйича чораларнинг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш;
- 2) уч иш куни бўйича қонун талаблари бузилганлиги ҳақида хабар бериш;
- 3) давлат хизматчилари ушбу қонун талабларини бузган тақдирда, расмий текширув ўтказиш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4) ушбу қонун талаблари бажарилишига масъул бўлган мансабдор шахсни (таркибий бўлинмани) тайинлайди (белгилайди).

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тадбирларини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахс (таркибий бўлинма) қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- 4) ушбу қонун талабларига риоя қилиш бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, ушбу масалалар бўйича тренинглари ташкил этиш ва ўтказиш;
- 5) ушбу қонун талаблари бузилишини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни ўрганиш;
- 6) ушбу қонун талаблари бузилиши бўйича шикоят ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқиш;

7) ушбу қонун ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

13-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этишни назорат қилиш

Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этиш устидан назорат юқори турувчи орган ва Агентлик томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари ўз ходимларининг, шу жумладан уларнинг оила аъзоларининг ушбу қонун билан қамраб олинган декларацияни ўз вақтида тақдим этишларини назорат қилиб, Агентликка топширилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ҳақида хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ҳамда сайловлар орқали сайланадиган мансабдор шахслар томонидан декларацияларни ўз вақтида тақдим этилишини давлат хизматларини ривожлантириш Агентлиги томонидан амалга оширилади.

Судялар томонидан декларация тақдим этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Судялар олий кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ваколатлари тугатилган (лавозимидан озод қилинган) давлат хизматчиларининг декларацияларини тақдим этилиши устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

Декларация тақдим этилмаган тақдирда, Агентлик ёки масъул мансабдор шахс декларацияни топшириш талаби билан декларация субъектини 10 календар кун ичида хабардор қилиши шарт.

Декларацияларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки умуман топширмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

14-модда. Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни текшириш

Агентлик декларация қилиш қоидаларини бузилишини олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш, тўлиқ ва ишончли маълумотларни эълон қилиш мақсадида даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни текширади.

Декларацияларни текшириш Агентликнинг ташаббуси ёки давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган хабарлар асосида амалга оширилади.

Текширувнинг асосий мақсади декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги, асоссиз мулк белгиларини, коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини аниқлашдан иборат.

Текшириш қуйидаги ҳолатларни аниқлаш учун ўтказилади:

даромадлар, мол-мулк, мажбуриятлар ва бошқа декларация объектларини декларацияда кўрсатилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда декларация тақдим этилиши;
қонуний даромадлар манбасига мутаносиб бўлмаган мол-мулк ва ҳаражатлар;
таъқиқланган совғаларни олиш;
коррупцияга қарши чекловлар ва тақиқларга риоя қилмаслик;

”...“

Даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни текшириш декларант ўз ваколатларини амалга ошираётган даврда, шунингдек ваколатлари тугаганидан кейин уч йил ичида амалга оширилиши мумкин.

Декларацияни текшириш вақтида нотўғри маълумотлар ёки бошқа қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, Агентлик декларантга тушунтириш ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Декларацияларни текшириш жараёнида Агентлик томонидан жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, терговга қадар текшириш учун ваколатли органга хабар беради. Шунингдек, Агентлик декларация субъекти ишлайдиган органга қонунбузилашлар ҳақида хабар беради ёки маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади.

Бундай хатарларни баҳолаш ва декларацияларни текшириш устуворлигини аниқлаш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

15-модда. Декларацияни текшириш учун асослар

Декларацияни текшириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) Агентлик томонидан белгиланадиган коррупция хавфи юқори бўлган юқори лавозимдаги мансабдор шахс ёки декларация субъеклари руйхати;
- 2) декларацияларни автоматлаштирилган таҳлилни ўтказиш, шу жумладан декларация маълумотларини бошқа маълумотлар базалари ва давлат органлари реестрлари маълумотлари билан таққослаш орқали қонунбузарликларни юқори хавфини аниқлаш;
- 3) давлат органларини билдиришномалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслардан эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақидаги хабарлар (жумладан аноним) шаклида ташқи сигналлар;
- 4) текшириш учун бошқа асослар бўлмаган ҳолатда тасодифийлик асосида автоматик равишда танлаш;

16-модда. Агентликнинг давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш соҳасидаги ваколатлари

Агентлик давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш соҳасида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ваколатларга эга:

- 1) давлат органлари ва ташкилотларнинг реестрларига, маълумотлар базаларига, бошқа ахборот тизимларига тўсиқсиз ва берул кириш;
- 2) декларация субъектларининг банк ҳисобварақлари мавжудлиги ва улар бўйича операциялар тўғрисида ёзма сўров бўйича банк муассасаларидан маълумотларни олиш;
- 3) хорижий давлатларнинг давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларига маълумотлар олиш учун сўровномалар юбориш;
- 4) декларация объектларининг қийматини экспертизадан ўтказишни (баҳолаш) ташкил этиш;
- 5) декларация субъектларидан декларация тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳамда декларациядаги маълумотлар бўйича ноаниқликлар юзасидан тушунтиришлар олиш;
- 6) коррупцияга мойил мансабдор шахсларнинг ноқонуний орттирган бойликларини яқин қариндошлари ва бошқаларнинг номига расмийлаштиришини инобатга олган ҳолда, унинг яқин қариндошлари ва бошқа шахслардан даромадлар ва мол-мулк тўғрисида декларацияни талаб қилиш;

Давлат хизматчиларининг декларациялари ваколатли орган - Агентлик томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилганда, улар далил ҳисобланади.

17-модда. Декларация субъектининг турмуш тарзини мониторинг қилиш

Агентлик декларация субъектларини турмуш тарзини, ўзи ва оила аъзоларининг мол-мулки ва даромадлари тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг бир бирига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида танланган мониторингни амалга оширади.

Декларация субъектларини турмуш тарзини мониторинг қилиш – Агентлик томонидан жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва бошқа очиқ ахборот манбаларидан олинган уларнинг турмуш даражаси ва эълон қилинган мол-мулк ва даромадлари ўртасидаги тафовут тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Декларация субъектларини турмуш тарзини мониторинг қилиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

Хаёт тарзини мониторинг қилиш шахсий маълумотларни химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мувофиқ амалга оширилади ва шахснинг шахсий ва оилавий хаёт дахлсизлиги ҳуқуқига ортиқча аралашувни назарда тутмаслиги керак.

Декларация субъектининг турмуш даражаси ва у томонидан декларация қилинган даромади ва мол-мулклари ўртасида номувофиқликни аниқлаш декларацияни тўлиқ текшириш учун асос бўлади. Агар турмуш даражасида тафовут аниқланган бўлса, Агентлик декларация субъектига ўн иши кун ичида ҳолат юзасидан тушунтириш бериш имкониятини беради.

Агар турмуш тарзи мониторинги натижаларига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ёки коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аломатлари аниқланса, Агентлик улар тўғрисида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатли органларни хабардор қилади.

18-модда. Давлат хизматчисининг декларацияларни топширмаслиги ёки қасдан ёлғон маълумотларни бериши

Давлат хизматчисининг даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни топширмаслиги ёки қасдан ёлғон маълумотларни тақдим этиши хизмат ёки меҳнат интизомини қўпол равишда бузиш ҳисобланади ва давлат хизматчиси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ишдан бўшатиш учун асос бўлиб хизмат қилади, сайланидиган давлат хизматчилари бундан мустасно.

Шунингдек, Давлат хизматчисининг даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияларни топширмаслиги ёки қасдан ёлғон маълумотларни тақдим этиши белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

19-модда. Молиявий назоратнинг қўшимча чоралари

Декларация субъекти ўзи ёки унинг оила аъзолари норезидент банкда валюта ҳисобварағани очган тақдирда бу ҳақда белгиланган тартибда ўн кун ичида ҳисобрақам ва норезидент банк жойлашган манзилни кўрсатган ҳолда Агентликни хабардор қилиши шарт.

Декларация субъектининг мулкый ҳолати сезиларли даражада ўзгарган тақдирда, яъни даромадлари ёки мол-мулки базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошса, ушбу даромад ёки мол-мулк олинган кундан эътиборан ўн кун ичида Агентликни хабардор қилиши шарт. Ушбу маълумотлар давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки декларациясининг ягона давлат реестрига киритилади ва Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Норезидент банклардан валюта ҳисобрақамини очиш ва мулкый ҳолатни сезиларли ўзгариши тўғрисида Агентликни хабардор қилиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

4-боб. Яқуний қоидалар

20-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

21-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

22-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2022 йил 1 январ кунидан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил июль,
ЎРҚ-сон

2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил _____ да қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил _____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 201¹-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги 174²-модда билан тўлдирилсин:

«174²-модда. Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш қоидаларини бузиш

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда нотўғри маълумотларни тақдим этиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «174¹» рақамидан кейин «174²» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил,

№ 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги 209¹-модда билан тўлдирилсин:

«209¹-модда. Декларацияда нотўғри маълумотларни кўрсатиш

Давлат хизматчиси томонидан даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларацияда тақдим этишга мажбур бўлган маълумотларни қасддан жуда кўп миқдорда нотўғри тақдим этиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) куйидаги мазмундаги 243¹-модда билан тўлдирилсин:

«243¹-модда. Ноқонуний бойлик орттириш

Ноқонуний бойлик орттириш, яъни давлат хизматчисининг мол-мулки ёки пул маблағлари ёхуд харажатлари у томонидан тақдим этилган даромадлар ва мол-мулк тўғрисидаги декларациядаги даромадларидан ортиб кетиши, башарти асосли тушунтиришлар бўлмаса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589,

592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 81-модда куйидаги мазмундаги 4-қисм билан тўлдирилсин:

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларациялар ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилганда, улар далил ҳисобланади.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2021 йил _____,

ЎРҚ-_____сон